Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 3 (1067) ● 2016-yil, 15-yanvar, juma

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 24 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, қадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 24 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга улкан мамнуният бағишлайди.

Биз чорак аср мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга назар ташлар эканмиз, ўз вақтида қабул қилинган ва чуқур ўйланган ислоҳотлар дастурини амалга ошириш натижасида Ўзбекистон бугунги кунда профессионал тайёргарликка эга бўлган, яхши таъминланган, Ватанимиз ва халқимизга садоқатли, мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли вазифаларни самарали адо этиш, фуқароларимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армиясига эга, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Мамлакатимизнинг замонавий Қуролли Кучларини ташкил этишда ҳарбий қурилиш соҳасига принципиал жиҳатдан янгича ёндашувнинг ишлаб чиқилгани кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлди. Бу ёндашув эски, ўз умрини ўтаб бўлган, бир қолипдаги қарорлардан бутунлай воз кечиш, эҳтимол тутилган ҳарбий ҳаракатлар театри ҳамда яқин ва узоқ ён-атрофимизда шиддат билан ўзгариб бораётган вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, шунингдек, хорижий давлатларнинг тажриба ва ютуқларини амалий жиҳатдан пухта ўзлаштиришга асосланганини таъкидлаш лозим.

Бугун биз, миллий армиямиз тарихий ва миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда, ҳарбий қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида дунёдаги энг яхши тажрибаларни ўзлаштириб, чегараларимиз хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди, деб ғурур билан айта оламиз. Ўзбекистон Қуролли Кучларининг таянчи ва суянчи бўлган замонавий ҳарбий хизматчилар тимсолида биз аввалambор чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятга, ўз муқаддас ҳарбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган, она юртимизга садоқатли, мард ва фидойи инсонларни кўрамиз ва улар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Қадрли дўстлар!

Биз яшаётган бугунги замон ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини барчамиз ўзимизга доимо яхши тасаввур қилганмиз ва тасаввур қиламиз. Ҳозирги кунда жаҳон миқёсида вазият қандай тез ўзгариб, дунёнинг айрим минтақаларида аҳвол тобора кескин тус олаётгани, турли қарама-қаршиликлар, можаро ва қон тўкишлар кучайиб, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани, яқин ён-атрофимизда давом этаётган ҳарбий тўқнашувлар бизда чуқур ташвиш ва хавотир туйғусини уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Юзага келаётган ана шундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазият барчамиздан юқори даражадаги огоҳликни сақлаш ва доимий тайёргарлик ҳолатида бўлишни, миллий армиямизни янада ислоҳ этишга қаратилган эътиборни кучайтиришни, уни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги самарасини оширишни, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлашни талаб этади.

Шу муносабат билан бугунги кунда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш ўта муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

**Биринчидан,** вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни, замонавий ҳарбий санъат соҳасидаги ютуқлар ва ҳарбий қурилиш борасида тўпланган тажрибамизни, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, миллий армиямизнинг ташкилий тузилиши ва жанговар таркибини, қўшинларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш лозим.

Ўзбекистонга қўшни минтақаларда вазият доимий равишда ўзгариб, таҳдидлар кучайиб бораётган, мамлакатимиз ҳудудига турли босқинчи тўдалар ва қўпорувчи гуруҳларнинг суқилиб кириш эҳтимоли истисно этилмаётган бир шароитда ҳарбий тузилмаларни, биринчи навбатда, хавф-хатар юқори бўлган операцион йўналишларда янада мустаҳкамлаш ва сафарбар этишга устувор аҳамият бериш зарур.

Айниқса, ўтказилаётган жанговар машғулотларга алоҳида эътибор қаратиш ва ушбу йўналишдаги принцип ва ёндашувларни тубдан қайта кўриб чиқиш, машғулотларни ҳар қайси ҳудуд ва минтақадаги мавжуд реал шароитга энг юқори даражада яқинлаштириш, эҳтимол тутилган душманнинг амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари хусусиятларини аниқлаш, қўмондонлик таркиби ва штабларни вазиятни ҳар томонлама баҳолаш ва асосланган қарорлар қабул қилишга ўргатиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, қўшинларни тезлик билан бир жойдан бошқа жойга кўчириш масалаларини амалий машғулотларда синовдан ўтказиш, ҳар қайси ҳарбий хизматчининг қурол-яроғ ва техникани ишончли равишда ишлата олиши, жисмоний ва маънавий-руҳий жиҳатдан ўта оғир ва мураккаб вазиятларда ҳам мустаҳкам ирода ва матонат кўрсатиб, ўз вазифасини соғ-омон адо этиши учун уларнинг индивидуал малакасини мунтазам равишда ошириб бориш зарур.

Ана шу мақсадларга эришишда полигонларнинг тўлақонли фаолият юритишини ва улардан кенг фойдаланишни таъминлаш, бунинг учун уларнинг инфратузилма ва ўқув моддий-техник базасини ҳар томонлама ривожлантириш борасидаги ишларни давом эттириш даркор.

**Иккинчидан,** Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тезкорлигини янада оширишга, махсус операциялар учун мўлжалланган кучлар, вертолётлар ва қўшимча равишда жалб этилган бошқа техникалардан фойдаланган ҳолда, душманнинг заиф нуқталарига зудлик билан шиддатли зарбалар бериш малакасини пухта эгаллашга имкон берадиган қурол-яроғ ва техникаларнинг энг янги турлари билан қўшинларни таъминлаш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш зарур.

**Учинчидан,** қўмондон ва сержант кадрлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш масалаларига эътиборни бир зум ҳам сусайтирмаслик лозим. Бу борада ҳарбий хизматчиларимизнинг ўз профессионал, назарий ва амалий билимларини узлуксиз ошириб бориши, хизматни ўташ ва жанговар фаолият давомида зарур бўладиган тажриба ва кўникмаларни эгаллаши учун барча имкониятларга эга бўлган Қуролли Кучлар Академияси, ҳарбий билим юртлари ва сержантлар тайёрлаш мактабларининг ўқув тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш долзарб аҳамиятга эга.

Шулар қаторида миллий армиямизнинг замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан босқичма-босқич таъминланиши, унинг жанговар таркиби ва тузилишидаги ўзгаришлар, қуролли тўқнашувларнинг ўзгариб бораётган хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, мутахассисликлар таркиби, ҳарбий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари ҳамда ўқув дастурлари рўйхатини доимий тарзда янгилаб, уларга аниқлик киритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ҳарбий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари таркибининг малакасини янада ошириш, уларнинг чет тилларини эгаллаши, таълим жараёнларини ташкил этиш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириши ва ўқув ишларига энг янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда Қуролли Кучлар Академияси ва мамлакатимизнинг шу йўналишдаги бошқа таълим муассасаларида ҳарбий фанларнинг энг зарур ва долзарб йўналишлари бўйича дарс бериш учун хорижий давлатларнинг етакчи ҳарбий таълим муассасалари ва тадқиқот марказлари ўқитувчилари, эксперт ва мутахассисларини кенг жалб этиш борасидаги ишларимизни тизимли ва изчил асосда кучайтиришимиз керак.

**Тўртинчидан,** дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бугунги замонда, халқимизнинг маънавий қадриятлари, маданияти ва урф-одатларига мутлақо зид бўлган, ёт ва бузғунчи ғояларни жамиятимиз ҳаётига турли йўллар билан сингдиришга қаратилган уринишлар кучайган, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онгини эгаллаш учун кескин кураш кетаётган бир шароитда, ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматгача бўлган ёшдаги фарзандларимизни тарбиялаш ва уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлигини ошириш борасидаги ишларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, ҳарбий ва меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ёшларимиз қалбида Ватанга юксак муҳаббат, Қуролли Кучларимиздан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга чуқур ҳурмат туйғуларини камол топтириш мақсадида ҳарбий ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни янада кучайтириш, ҳеч шубҳасиз, алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай узоқ муддатга мўлжалланган, долзарб вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирлиги қошидаги Жамоатчилик кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари ва тузилмалар, маданият, санъат ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган намояндаларининг ўрни ва таъсири беқиёс, албатта.

Бундай ўта муҳим ишда расмиятчилик ва юзаки ёндашувлардан воз кечган ҳолда, оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

**Бешинчидан,** ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, тураржой, маиший ва тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича давлат дастурларини сўзсиз бажариш зарур. Юртимизда 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган ҳукумат қарорлари ва давлат дастурлари доирасида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ, комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари нуфузини янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, аввало, ҳарбий хизматни ўташ учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг ижтимоий ҳимояси ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

Ҳурматли ватандошлар!

Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг Ҳарбий доктринамиз мудофаа характерига эга эканини, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз биринчи навбатда мамлакатимизнинг давлат суверенитети, унинг ҳудудий яхлитлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қаратилганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳеч қайси ҳарбий блокка қўшилмайдиган давлат сифатида, ҳар томонлама чуқур ўйлаган ва тўлиқ англаган ҳолда, ўзи учун принципиал аҳамиятга эга бўлган муҳим йўлни танлаб олди ва шу йўлда қадам қўйди. Яъни мамлакатимиз тинчликсевар сиёсат олиб бориш, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва коалицияларга қўшилмаслик, ўз ҳудудида хорижий ҳарбий база ва объектларни жойлаштирмаслик, юртимиздан ташқарида бўладиган тинчликпарварлик операцияларида қатнашмаслик бўйича ўз позициясини аниқ-равшан белгилаб олди.

Бугунги байрам айёмида, аввалambор, ўзининг шарафли, олижаноб ва масъулиятли бурчини — Ватанни ҳимоя қилишдек буюк вазифани муносиб адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналарига чин қалбдан ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман.

Янги — 2016 йилда Қуролли Кучларимиз сафларида муқаддас бурчини бажариб келаётган сиз, мард ва ботир ўғлонларимизга — оддий аскар ва сержантларга, офицер ва генералларга Ватанга садоқат билан хизмат қилиш йўлида мустаҳкам соғлиқ, куч-қувват ва катта муваффақиятлар, хонадонларингизга бахт ва фаровонлик тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**



## Бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши

### *иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш омилидир*

**Фракция йиғилиши**

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.**

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг мақсади ўтган йиллар давомида қонунчиликда бўлган ўзгартишлар билан мувофиқлаштиришга қаратилган алоҳида моддаларни қайта кўриб чиқиш, қонундаги оқ доғларни бартараф этиш, янги ва аниқлаштирувчи нормаларни киритиш ҳамда халқаро принциплар ва стандартларга мувофиқ бухгалтерия ҳисоби тизимини янада ривожлантириш учун замонавий шароит ва имкониятлар яратишга қаратилган.

Муҳокама жараёнида фракция аъзолари қонун ташаббусига эга субъект томонидан таклиф этилган бухгалтерия ҳисоби объектлари, шунингдек, ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишга оид янги нормаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

2➢

## Юртимиз тинч,

### *сарҳадларимиз дахлсиз*

**Давра суҳбати**

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши, Тошкент шаҳар партия кенгаши ҳамкорлигида, партиямизнинг *"Буюк ва муқаддассан, ҳур Ўзбекистон!"* лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Миллий университетида *"Ватанга қалқондир ўзбек ўғлони"* мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

2➢




## Саломатлигимиз ва эпизоотик осойишталигимиз кафолати

**Қонун кучга кирди**

**2015 йил 31 декабрда Ўзбекистон Республикасининг ветеринария соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги қонуни кучга кирди.**

Янги таҳрирдаги қонун ўз мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимизда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги муҳофазасини кафолатлашга, ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар пайдо бўлишининг, тарқалишининг олдини олишга хизмат қилади. Ветеринария хизмати сифатини ошириш, республика ҳудудининг ветеринария жиҳатдан осойишталигини, давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг ветеринария, ветеринария-санитария хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятни янада такомиллаштириш ҳам янги таҳрирдаги қонунда кўзда тутилган вазифалардан саналади.

Қонунни ишлаб чиқиш жараёнида унинг сифати ва таъсирчанлигини янада ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан олимлар, малакали мутахассислар, экспертлар кенг жалб этилди, жойларда ўтказилган конференция, семинар ва давра суҳбатларида кўплаб таклифлар йиғилди.

2➢

**Бугунги сонда:**

ИСТЕЪМОЛЧИ ВА ТАЪМИНОТЧИ МУНОСАБАТЛАРИДА қонуний тартибларга риоя этилиши назоратда ③

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИНИНГ мустаҳкам ҳуқуқий асоси ④⑤

ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ "қармоқ"қа айланмасин ⑥

# Бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилиши

## иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш омилидир

Давоми. Боши 1-бетда

Депутатларнинг фикрича, ходимлар ўртасида ҳар қайси босқичда бухгалтерия объектларининг кирими, уларнинг сақланиши, улардан фойдаланиш ва расмийлаштириш борасидаги вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, шунингдек, ўзаро назорат тизимининг ўрнатилиши, улар ўртасида хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти устидан самарали тезкор назоратни ташкил этишда қўл келади, бу эса ўз навбатида суиистеъмолчиликлар, ўғрилик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Фракция аъзолари буларнинг барчаси олиб борилаётган ислоҳотларда муҳимлиги, бу эса ижтимоий адолат тамойилининг асоси эканлигини қайд этдилар. Бинобарин, бугунги кунда замонавий ишлаб чиқаришни тўғри бухгалтерия ҳисобисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**Зафар СУЛТОНОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш борасида амалиётда синалган қоидалар, ёндашувлар ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибаси ҳисобга олинган. Таклиф этилаётган меъёрлар ва тартибларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мос келадиган бухгалтерия ҳисоби тизимининг янада такомиллашувини таъминлайди.

Умуман олганда, мазкур қонун лойиҳаси иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим ҳуқуқий асос сифатида партиямиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифаларга мосдир.

Жумладан, қонун лойиҳасида бухгалтерия ҳисоби хизмати раҳбарининг хўжалик операцияларини ҳужжатлар асосида расмийлаштириш ва уларни бухгалтерияга тақдим этиш бўйича талаблари бухгалтерия ҳисоби субъектининг барча ходимлари учун мажбурийлиги, бухгалтерия ҳисоби субъектининг раҳбари ва бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари ўртасида айрим хўжалик операцияларини амалга оширишга доир келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, улар бўйича ҳужжатлар бухгалтерия ҳисоби субъекти раҳбарининг ёзма фармойиши билан ижрога қабул қилиниши мумкин бўлиб, бундай операциялар амалга оширилишининг оқибатлари учун жавобгарлик шахсан унинг зиммасига юкланадиган янги нормалар киритилгани барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигига доир дастурий мақсадларига ҳамоҳангдир.

Бундан ташқари, юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек, чет эл юридик шахсларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналари, филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ҳисоб юритиши ва ҳисобот тақдим этишига доир нормалар Сайловолди дастуримиздаги бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик вазифаларига мослигини ҳам эътироф этишимиз мумкин.

Шу билан бирга, қонун лойиҳасида бухгалтерия ҳисобининг субъекти ички назоратни ташкил қилиб, уни амалга ошириши белгиланаётгани "Адолат — қонун устуворлигида" тамойили амалиётга янада кенг жорий этилаётганининг ифодасидир.

**Жамшид ПИРМАТОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби тизимининг қонуний асослари яратилган. Бу ўз ўрнида хўжалик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисоби тизимининг яхлитлигини таъминлаш бўйича вазифаларни самарали ҳал этишда, бухгалтерия ҳисобини юритишга доир қонуний талабларга риоя этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Янги шаклланган ҳукумат дастурининг алоҳида йўналишларини ажратмаган ҳолда 2015 йили ўзини мухолифат, деб эълон қилган "Адолат" СДП фракцияси таклиф этилаётган қонун лойиҳаси умумий жиҳатдан партия дастурий мақсадларига мос эканлигини тасдиқлайди.

Шунга қарамай, муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳасига яна бир қатор таҳририй тузатишлар киритиш, бошқа қонун ҳужжатлари билан мувофиқлигини таъминлаш зарурати мавжудлиги маълум бўлмоқда.

Хусусан, "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"-ги қонуннинг тегишли моддаларида акциядорлик жамиятлари, шунингдек, суғурта ташкилотлари, банклар ва жамоат фондлари акциядорларнинг ёки бухгалтерия ҳисоботи субъектининг бошқа юқори бошқарув органининг йиғилишларида молиявий ҳисоботларини тақдим этиш ва эълон қилиши белгиланган. Ушбу нормаларга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жалб этган ҳолда юқоридаги ташкилотлар молиявий ҳисоботларни ўзининг расмий веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида эълон қилиши ва электрон ҳужжат кўринишида ҳам тақдим этиши шартлигини белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, фракциямиз аъзолари қонунчилик техникаси талабларига асосан "Демократик кучлар блоки"нинг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш юзасидан таклифини долзарб, деб ҳисобламайди. Чунки у Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилишидан олдин қўшимча ўрганиш ва пухта таҳлил қилишни талаб қилганлиги учун фракциямиз аъзолари қонун лойиҳасининг қонунчилик субъекти томонидан киритилган таҳририни қўллаб-қувватлашмоқда.

Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига иккинчи ўқишга қонунчилик субъекти томонидан таклиф этилган таҳририни киритиш зарур. Бу эса бухгалтерия хизматининг масъул шахслари мажбуриятларининг самарали тақсимланишини таъминлайди.

Йиғилишда муҳокама этилган қонун лойиҳаси юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклиф, тавсиялари билдирилди ва фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири

# Саломатлигимиз ва эпизоотик осойишталигимиз

## кафолати

Давоми. Боши 1-бетда

Ўтган давр мобайнида соҳага оид қабул қилинган 33 та қонуности ҳужжати ўрганилиб, улардаги аксарият нормалар қонунга сингдирилди. Бу қонун нормаларининг амалиётда тўғридан-тўғри ишлашига имкон яратади. Шу билан бир қаторда, қонун ветеринария осойишталигини таъминлашга йўналтирилган ўндан ортиқ янги моддалар билан тўлдирилди.

Янги таҳрирдаги қонунда Вазирлар Маҳкамасининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ветеринария соҳасидаги ваколатлари аниқ кўрсатилган.

Хусусан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ветеринария соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш, ҳайвонларнинг юқумли касалликлари пайдо бўлган тақдирда, тегишли ҳудудда карантин ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва эпизоотияга қарши тадбирларни ўтказишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ваколати берилди.

Айниқса, қонунга ветеринария масалаларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролар иштирокининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддалар киритилгани эътиборлидир. Бу, ўз навбатида, давлат ветеринария хизматининг шаффофлигини, тегишли ҳудудда ветеринария соҳасида жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга имкон яратади.

Қонунга кўра, чорвачилик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш, ҳайвонларни сақлаш, озуқабоп қўшимчаларни ҳамда ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ корхона ва ташкилотлар устидан тизимли давлат ветеринария назорати олиб борилиши белгиланди. Уларнинг фаолияти тегишли мезонларга кўра ташкил этилади. Бундан ташқари, қонунда хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ролини ошириш, уларнинг манфаатлари ҳимоясини ва рақобат муҳитини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу билан бирга, қонунда давлат ветеринария назоратини амалга ошириш тамойиллари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш бўйича белгиланган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик масаласи аниқлаштирилди. Бу, албатта, аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, пировардида уларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонунда эпизоотик барқарорлик тушунчаси ветеринар осойишталик ибораси билан алмаштирилди, бунда ҳайвонларнинг соғлиғига салбий омилларнинг зарарли таъсири билан бир қаторда уларнинг яшаши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш қоидаси киритилди. Айниқса, эпизоотик ҳолатлар келиб чиқиши, намоён бўлиши ҳамда унга қарши курашиш масалалари, чорва эгаларининг мажбуриятлари ҳамда эпизоотик тадбирларни амалга оширишда давлат, идоравий ва хусусий ветеринария хизматларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш масалалари акс эттирилиб, ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизмати ҳамда хусусий ветеринария фаолиятида ҳайвонларга хизмат кўрсатишни амалга ошириш меъёрлари белгиланган долзарб аҳамиятга эгадир.

Қонунга мувофиқ, тизимда мавжуд бўлган давлат, идоравий ветеринария хизматлари қаторига ишлаб чиқаришдаги ветеринария хизмати тушунчаси киритилди. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг ривожланаётган ҳозирги кунда чорвачиликни ташкил этиш ҳамда юритиш, ҳайвонларни сақлаш, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хомашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни ҳамда ҳайвонларни даволаш учун мўлжалланган ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва реализация қилишга ихтисослаштирилган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятида ветеринария қонунчилигига риоя қилиниши устидан тизимли давлат ветеринария мониторинги олиб борилишини таъминлайди.

Қонун асосида ветеринария участкалари ва бозорлардаги ветеринария-санитария экспертиза лабораториялари мудирларига давлат ветеринария инспектори мақоми берилди. Ветеринария соҳасидаги лаборатория текширувларининг давлат ветеринария лабораториялари ҳамда бошқа ветеринария лабораториялари томонидан ўтказилиши, ветеринария лаборатория-ташхис қўйиш ишлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан лицензия асосида амалга оширилиши қонун билан белгилаб қўйилиши ветеринария соҳасида лаборатория текширувлари ўтказиш ишларини ҳуқуқий тартибга солади. Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ҳамда реализация қилиш билан боғлиқ юмушлар ветеринария-санитария экспертизаси хулосаси асосида бажарилишининг белгиланган маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлашда қўл келади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, дунёнинг турли минтақаларида инсонлар учун хавфли бўлган ҳайвонлар касалликлари кўпайиб, уларнинг тарқалиши тезлашмоқда. Ана шундай шароитда мамлакатимиз аҳолисини бундай хавфлардан ўз вақтида ҳимоя қилиш, уларни сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш доимий эътиборда.

Қонунда давлат ветеринария хизмати барча чорвачилик объектларининг, қушхоналар, қайта ишловчи корхоналар, савдо шохобчалари, хомашё омборларини қуриш ва реконструкция қилиш, ер қазиш ишларининг ветеринария экспертизасини амалга оширишда иштирок этиши белгиланганн бунинг исботидир. Зеро, бу ўта хавфли юқумли касалликлар ўчоқлари устидан назоратни янада қатъий амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, янги таҳрирдаги "Ветеринария тўғрисида"ги қонун ветеринария соҳасидаги муносабатларни бошқариш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини янада кенгайтириш орқали барқарор ривожланишимиз, халқимиз фаровонлиги, аҳолимиз саломатлиги, бозорларимизнинг мўл-кўллигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.



**Алишер МАХМАТМУРОДОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ўз навбатида, мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, унинг ҳудудлардаги ижросини таъминлашга эътибор қаратиш биз, депутатлар зиммасидаги масъулиятли вазифалардан биридир. Чунки унинг ишлаш механизми, ҳаётга янада чуқурроқ кириб бориши, аввало, одамларнинг қонунни қанчалик яхши билиши ва тушунишига бевосита боғлиқ. Бу борадаги амалий тадбирларни кўпайтириш, мазкур соҳа мутахассислари билим ва малакасини ошириш, жойларда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда эса сиёсий партиялар ва уларнинг барча даражадаги депутатлик корпусларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик, ушбу мақсадларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни янада кучайтириш талаб этилади.

# Юртимиз тинч, сарҳадларимиз дахлсиз

Давоми. Боши 1-бетда

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ва Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари, "Ёш адолатчилар" қаноти фаоллари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Тадбирда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари А.Раҳмонов юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаётимизни қадрлаш, ватанпарварлик, эл-юрт равнақи учун фидойи бўлиш каби юксак туйғуларни, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш энг муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ташкилий жиҳатдан мукаммал, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди, — деди тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев. — Бугун қалбида она Ватанига садоқати юксак бўлган,




жисмоний тобланган, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан баркамол бўлган юрт ҳимоячилари миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Мудофаа доктринаси, «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлар ҳамда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга оид бир қатор қарорлар соҳа ривожида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.



Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларига жавоб берадиган замонавий шаҳарчалар бунёд этиш, уларда ижтимоий, маиший ҳамда тиббий таъминот тизимларини яратиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ҳарбий соҳада амалга оширилган улкан ислоҳотлар самараларига назар ташлар эканмиз, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятига, эртанги кунимизга ишончимиз янада ортади, қалбимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз билан ғурурланиш туйғуси жўш уради.

Бугун миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш шарафли ва фахрли касбга, ҳар бир йигитнинг ҳаётий орзусига айланган. Энг муҳими, ота-оналар эндиликда мамлакатимиз Қуролли Кучларида хизмат қилаётган, эл-юрт тинчлигини сақлаётган ўғлонлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдалар.

Жонли мулоқот руҳида ўтган тадбирда "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари ва талаба-ёшлар ҳам ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этиб, Ватанни кўз қорачиғидек асраш, она Ватанни ҳимоя қилиш нафақат ҳарбий хизматчиларнинг, балки шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини қайд этишди. Айниқса, бугун дунёнинг турли нуқталарида кечаётган нотинчликларнинг асл сабаблари ва оқибатларини чуқур англаш, четдан бўлаётган турли ахборот хуружлари ва мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетни мустаҳкамлашда, энг аввало, ёшлар фаол бўлиши зарурлигини таъкидладилар.

Тадбир якунида талаба-ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Ёшлар томонидан ижро этилган ватанпарварлик мавзусидаги шеър ва қўшиқлар иштирокчиларга байрамона кўтаринкилик бағишлади.

**Феруз ЖЎРАЕВ,**
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

**Учрашув**

Китоб инсоният тафаккурининг энг ёрқин мўъжизаси. Унда инсон қалби, руҳияти, орзулари акс этади. Ана шу руҳият китобхон қалбига кўчса, унда янги ҳиссиёт ва ҳаяжонлар, орзу-умидларни пайдо қилади.

# "Адолат жилғалари" аъзолари

## адиб хонадонида



Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши қошида ташкил этилган "Адолат жилғалари" истеъдодлар клубининг навбатдаги машғулоти шоир ва драматург Қурбон Муҳаммадризонинг шахсий кутубхонасида бўлиб ўтди. Унда клуб аъзолари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Адибнинг кутубхонасидаги маънавий жавоҳирлар тадбир иштирокчиларининг қизиқишларини орттирди. Президентимизнинг бир қатор асарлари, бадиий мумтоз адабиёт намуналари, илмий китоблар, турли луғатлар, тарих ва маънавиятга доир асарлар алоҳида жавонлардан ўрин олган. Устоз адиб ёш қаламкашларни Алишер Навоий, Огаҳий ва бошқа буюк шоирларнинг беназир девонлари билан таништирди, уларнинг юксак бадиий тафаккури ҳақида сўзлаб берди.

— Китоб одамни фикрлашга ундовчи куч манбаидир. Токи ундан қувват оларканмиз, руҳимиз тетик, қалбимиз тиниқ туйғуларга бой, тафаккуримиз ўткирлашиб бораверади, — дейди клуб аъзоси Дилмурод Машарипов. — Шу боис ушбу машғулотдан бебаҳо хазинамиз бўлган китобларни йиғиб бориш, мўъжазгина бўлса-да, шахсий кутубхонамиз бўлиши жуда аҳамиятли эканини тушуниб етдик ва шуни мақсад қилиб қўйдик.

Машғулотда китоб кишини ўзлигини англашга ёрдам бериши, аммо бунинг учун албатта ўқиш муҳим эканлиги, ёшлар маънан комил инсон бўлиши учун, аввало, адабиёт дурдоналаридан баҳра олиши лозимлиги хусусида фикрлашиб, клуб аъзолари тенгдошларини китоб мутолаасига ундашлари айни муддао эканлиги таъкидланди.

**Чаросхон ОТАХОНОВА,**
"Адолат жилғалари" клуби аъзоси

# Истеъмолчи ва таъминотчи муносабатларида қонуний тартибларга риоя этилиши назоратда

**Депутатлик гуруҳларида**

**Депутатларнинг у ёки бу масалада асослантирилган таклифлари аниқ ва фойдали натижалар бериши шубҳасиз. Буни халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг сессиясида муҳокама этилган яна бир долзарб масала мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, жисмоний ва юридик шахсларнинг табиий газдан фойдаланиш борасидаги муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларига жойларда риоя этилиши ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи томонидан вилоятда табиий газдан фойдаланишда жисмоний ва юридик шахсларнинг газ тўловларидан қарздорлигига доир масала ўрганиб чиқилган ва ўрганиш натижалари асосида мазкур масала халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида муҳокама этиш учун тақдим қилинган эди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 26 майдаги "Табиий газ истеъмолчилари ва газ билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни такомиллаштириш тўғрисида"ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йилдаги "Иқтисодиёт тармоқларида газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорларининг вилоятдаги ижроси тўғрисида"ги масалани муҳокама қилдилар.

Партия депутатлик гуруҳи аъзоси Зафар Жумаев бу борада депутатлик гуруҳи томонидан ўтказилган ўрганишлар ҳақида ахборот берди.

— Амалдаги қоидаларга мувофиқ, аҳоли истеъмол қилинган газ ҳажми учун ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари ёки тузилган шартномаларга ва газ билан таъминловчи ташкилот томонидан берилган абонент дафтарчасига биноан белгиланган нормативлар бўйича ой тамом бўлганидан кейин 10 кун мобайнида ҳақ тўлаши, газ қийматига белгиланган муддатда қисман ёки тўлиқ ҳақ тўланмаган тақдирда, газ билан таъминловчи ташкилот 2 кун муддатда истеъмолчини ҳосил бўлган қарзини ўн кун муддатда тўлаши зарурлиги тўғрисида хабардор қилиши, агар кўрсатилган муддатда истеъмолчи олинган газ қиймати учун ҳақ тўламаса, у газ таъминлаш тармоғидан узиб қўйилиши, истеъмолчидан дебиторлик қарзларни бундан кейин ундириб олиш газ билан таъминловчи ташкилот томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган, — деди З.Жумаев. — Мазкур талабларга етарлича риоя этилмаганлиги боис 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатида "Ғарбгазтаъминот" УКдан вилоятдаги истеъмолчиларнинг умумий дебитор қарздорлиги 285 миллиард 823,4 миллион сўмни, шундан аҳоли хонадонларининг қарздорлиги 255 миллиард 672,5 миллион сўмни ва улгуржи истеъмолчиларнинг қарздорлиги 30 миллиард 150,9 миллион сўмни ташкил қилган.

Аҳоли хонадонларига етказиб берилган газ ҳажмлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида пайдо бўлган бундай дебитор қарздорликнинг туманлар кесимида тақсимланишига назар ташласак, Бухоро шаҳрида 61,7 миллиард, Когон шаҳрида — 11,2 миллиард, Когон туманида — 12,2 миллиард, Ромитан туманида — 27,1 миллиард, Пешку туманида — 9,7 миллиард, Ғиждувон туманида — 36,9 миллиард, Шофиркон туманида — 17,2 миллиард, Бухоро туманида — 44,2 миллиард, Вобкент туманида — 8,4 миллиард, Жондор туманида — 8,7 миллиард, Қоракўл туманида — 13,8 миллиард, Олот туманида — 9,0 миллиард, Қоровулбозор туманида — 0,2 миллиард сўмни ташкил қилган.

Ўрганишлар натижасида, "Ғарбгазтаъминот" УК ва унинг Бухоро вилоятидаги шаҳар ва тумангаз филиаллари томонидан олиб борилган назоратлар чоғида 2007-2013 йиллар давомида табиий газдан фойдаланишда жами 70 миллиард 739,3 миллион сўмлик қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган ва бу ҳолатлар бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига тақдим қилинган. Ушбу ҳужжатлар Жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиб, судларнинг ҳукми бўйича 70 миллиард 739,3 миллион сўмлик зарар етказилганлиги кўрсатилган, аммо 2015 йилнинг ноябрь ойигача бу зарарнинг 24,0 миллион сўми тўланган, холос.

Бундан ташқари, "Ғарбгазтаъминот" УКнинг Бухоро вилоятидаги шаҳар ва тумангаз филиаллари томонидан 2014 йил ва 2015 йилнинг I чораги давомида 287,7 миллион метр куб эгаси топилмаган газ ҳажмлари филиалларнинг "Автоматлаштирилган бошқариш тизими" (АБТ) ҳисоботларида қолдирилганлиги сабабли корхона бўйича 48 миллиард 590,0 миллион сўмлик фарқ ёки нореал дебитор қарздорлик вужудга келган. Юқорида қайд этилган 70 миллиард 739,3 миллион сўмлик ва 48 миллиард 590,0 миллион сўмлик нореал дебитор қарздорлик ҳам юзага келган умумий 255 миллиард 672,5 миллион сўмлик дебитор қарздорлик ичида турганлигини таъкидлаш лозим, албатта. Бундан вилоятда аҳоли ҳисобида турган ҳақиқий қарздорлик 136,4 миллиард сўмни ташкил этади, деган хулосага ҳам келиш мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида барча тоифадаги истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошлангунча камида 5 кун олдин тузилган шартномада кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоизи миқдорида етказиб берувчининг ҳисоб рақамига олдиндан тўловни амалга оширишлари шартлиги, истеъмолчиларга газни олдиндан тўловсиз бериш тақиқланиши кўрсатиб ўтилган.

Амалда эса "Ғарбгазтаъминот" УК ва унинг шаҳар ва тумангаз филиаллари томонидан 100 фоиз олдиндан тўловни амалга оширмаган корхоналарга ва ҳаттоки фойдаланган табиий газ учун тўловни тўлиқ амалга оширмаган корхоналарга ва бошқа тадбиркорлик субъектларига табиий газ етказиб берилиши оқибатида катта миқдордаги дебитор қарздорликлар вужудга келган.

2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятимиз бўйича улгуржи истеъмолчиларнинг табиий газдан 30 миллиард 150,7 миллион сўмлик қарздорлиги аниқланган, ушбу қарздорликнинг 24 миллиард 815,5 миллион сўми иккита йирик иссиқлик таъминоти корхоналари ҳисобига тўғри келади. Жумладан, "Иссиқлик манбаи" АЖнинг дебитор қарздорлиги 15 миллиард 755,1 миллион сўмни ҳамда "Бухороэнергомарказ" АЖнинг қарздорлиги 9 миллиард 060,4 миллион сўмдан иборат.

Бундан ташқари, вилоятдаги қурилиш материаллари (ғишт, оҳак, гипс ва бошқа) ишлаб чиқариш цехларининг ҳам табиий газдан катта миқдорда қарздорлиги бўлса-да, уларга табиий газ етказиб берилиши давом этаверганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

"Ғарбгазтаъминот" УК "Ромитантумангаз" филиалидан тумандаги улгуржи истеъмолчиларнинг 1 миллиард сўмликдан зиёд дебитор қарздорлигининг аксарият қисми пишган ғишт ишлаб чиқарувчи 10 дан ортиқ корхоналар зиммасига тўғри келади.

Бу борада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни ҚФЙ, МФЙ фаоллари, профилактика инспекторлари, қишлоқ вакиллари томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланилаётган ва газдан қарздорлиги мавжуд бўлган фуқароларга табиий газдан ноқонуний фойдаланиш қонунга зидлиги, газ ҳақини ўз вақтида тўлаш кераклигига доир тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилишида газ таъминоти ходимларига кўмак берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

"Ғарбгазтаъминот" УК, "Ўздавнефтгазинспекция" Бухоро бўлими ҳамкорлигида ҳамда "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" ДК мутахассислари иштирокида етказиб берилаётган газ ҳажмлари ҳисоб-китоби юритилишидаги ноаниқликлар туфайли вужудга келаётган нореал дебитор қарздорликнинг келиб чиқиши сабаблари бўйича жойларда ўрганишлар олиб борилган. Ўрганишларда газ тақсимлаш станциялари орқали қабул қилиб олинаётган табиий газ ҳажмлари билан истеъмолчиларга, хусусан, аҳоли хонадонларига етказиб берилаётган газ ҳажмлари ушбу хонадонлардаги мавжуд газ ҳисоблагичлар орқали ҳисоб-китоб қилинишида тафовутлар мавжудлиги ва бундай ҳолатлар нореал қарздорликни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди.

Жумладан, Ромитан, Шофиркон, Олот ва Қоракўл туманларида олиб борилган ўрганишларда маълум бир аҳоли хонадонлари танлаб олиниб, бу истеъмолчилар учун алоҳида замонавий электрон газ ҳисоблагичи ўрнатилган ҳолда газ етказиб берилган ва ўрганишлар натижасига кўра электрон газ ҳисоблагичи билан аҳоли хонадонларидаги мавжуд механик газ ҳисоблагичлар орасида 17-22 фоиз тафовут пайдо бўлганлиги, яъни аҳоли хонадонларидаги газ ҳисоблагичларнинг ҳисоб механизми газ ўтишини шунча фоизгача кам ҳисоблаганлигини кўрсатган.

Шунингдек, Бухоро шаҳар прокуратурасининг 2015 йил 25 майдаги қарорига асосан, "Ўздавнефтгазинспекция" Бухоро ҳудудий бўлими, "Бухоро синов ва сертификатлаштириш маркази" давлат корхонаси, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Ғарбгазтаъминот" УК ва бошқа масъул ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган ва ишчи гуруҳига қўшимча равишда "Когонгаз", "Бухорошаҳаргаз" ва "Ғиждувонгаз" филиаллари мутахассислари жалб қилинган ҳолда 2015 йил 29 май кунидан 16 июнь кунига қадар Когон, Ғиждувон туманлари ва Бухоро шаҳридаги аҳоли хонадонларига етказиб берилаётган газ ҳажмлари ҳисоб-китобини юритилишидаги ноаниқликлар туфайли вужудга келаётган фарқнинг келиб чиқиши сабаблари бўйича ўрганишлар олиб борилди. Натижада Когон туманида ўлчов хатолиги 25,6 фоизни, Бухоро шаҳридаги хонадонларда ўлчов хатолиги 23,6 фоизни ва Ғиждувон шаҳридаги хонадонларда ўрнатилган газ ўлчагичларнинг ўлчов хатолиги 30,7 фоизни ташкил қилиб, аҳоли хонадонларида ўрнатилган газ ўлчагичлар электрон газ ҳичоблагичлардан ўтган газ ҳажмларидан кам кўрсатиши маълум бўлди.

Демак, ишга яроқсиз бўлган газ ўлчагичлар ўрнига табиий газ истеъмолчиларига электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилиши айни муддаодир.

Сессия иштирокчиларининг қизғин муҳокамаларидан сўнг халқ депутатлари вилоят Кенгаши масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Мазкур қарорга мувофиқ, "Ғарбгазтаъминот" унитар корхонаси раҳбариятига аҳоли хонадонларига етказиб берилган газ ҳажмлари бўйича ҳисоб-китоблар тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасида вилоят бўйича дебитор қарздорликнинг мунтазам равишда ошиб бораётганлиги кўрсатиб ўтилиб, корхонанинг табиий газ таъминоти, уни ҳисобга олиш ҳамда газ тармоқларини таъмирлаш дастурлари бўйича олиб борилаётган ишлари қониқарсиз, деб топилди.

Вилоятда табиий газдан дебитор қарздорликнинг нореал қисмига ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросининг таъминланишини доимий назоратга олиш топширилди.

"Ғарбгазтаъминот" УКга шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

— табиий газ таъминотидаги тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш, қарздор улгуржи истеъмолчиларга хизмат кўрсатмаслик, уларнинг ҳисобини тўлиқ юритиш, тармоқларга ноқонуний уланиш, ҳисоблаш приборларига ташқаридан аралашиш каби ҳолатларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш;

— ўринсиз табиий газ йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида газ тақсимлаш ускуналарини ўрнатилган тартибда кўрикдан ўтказиб туриш;

— шаҳар ва туманларда қарздор истеъмолчиларнинг табиий газ таъминотидан мавжуд қарздорликларини ундириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги устидан доимий назоратни ўрнатиш вазифалари белгиланди.

Мазкур масала юзасидан бир қатор маҳаллий оммавий ахборот воситаларига тарғибот тадбирларини олиб бориш тавсия этилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг "Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик ва алоқа ҳамда аҳолига хизматлар кўрсатиш доимий комиссияси"га мазкур қарор ижроси юзасидан навбатдаги сессияга ахборот киритиш вазифаси топширилди.

**Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,**
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

---

# "Бунёдкор"даги бунёдкорликлар

**Маҳалла ҳаёти**

**"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Навоий шаҳар бўлинмаси мутасаддиларидан намунали маҳалла фуқаролар йиғинлари тўғрисида сўраганимизда пешқадамлар қаторида "Бунёдкор" маҳалласини ҳам тилга олишди. Биз ушбу маҳаллага келиб, бу ерда чиндан ҳам ўз номига муносиб ишлар амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Асосан кўп қаватли уйлардаги 1050 та оилада 4260 нафар аҳоли аҳиллик ва тотувликда ҳаёт кечираётган маҳаллада мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва уларнинг самаралари томчидаги қуёш акси мисол кўзга ташланиб турарди.**



— Фаолиятимизни мамлакатимиз Конституцияси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун, Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиб келаяпмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Наврўзов. — Асосий эътиборни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, маҳалладошлар ташаббусларини рағбатлантиришга қаратаяпмиз. Жумладан, якунланган 2015 йилда ҳам тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллада тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш, оилавий бизнес, касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, шунингдек, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ўйин майдончаларини қайта таъмирлаш, янгиларини барпо этиш, вояга етмаган ўғил-қизларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол улғайишларига эришиш, аҳоли ўртасида маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш борасидаги фаолиятни такомиллаштириш, ёш ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги роли ва мақомини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш юзасидан муайян ишлар қилинди.

Маҳалла фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, бу ерда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасидаги аҳолининг эҳтиёжманд қисмини ижтимоий ҳимоялаш, ёшлар ўртасида маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб этиш йўналишларида ҳам белгиланган режа асосида амалга оширилган чора-тадбирлар ижобий натижалар бераётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Мамлакатимизда кекса авлод нечоғли эъзозда, ҳурмату эҳтиромда эканлигини маҳалламиз фаоллари томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган эътибор туфайли яққол ҳис этиб турибмиз, — дейди Мирзоанвар ота Сирожев. — Маҳалла фаолларининг кексалар ҳолидан доимий равишда хабар олиш, уларнинг кўнглини кўтариш, умрини сермазмун этишга кўмаклашиш борасидаги фаолиятидан маҳаллада яшовчи 175 нафар отахону онахонлар мамнун. Қарияларимизнинг қадимий Нурота шаҳрига саёҳати, улар учун уюштирилган шахмат-шашка турнирлари, бепул кинофильмлар намойиши, байрам тадбирларига таклиф этилаётганимиз, корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида ёшлар билан ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, уч авлод учрашувларида қатнашаётганлигимиздан бошимиз кўкка етмоқда десам, муболаға эмас. Ёрдамга муҳтож қарияларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Меҳнат фахрийлари Тожи бобо Жумаев ва Николай Кулагинларнинг хонадонлари тўлиқ таъмирлаб берилгани, бундай кексаларимизга ҳар жиҳатдан кўмаклашилаётганлиги таҳсинга сазовордир.

Ҳақиқатан ҳам, маҳаллада кексаларни эъзозлаш юзасидан талай эзгу ишларга қўл урилди. Ҳududдаги Навоий тиббиёт коллежи билан ҳамкорликда ташкил этилган "Ораста қизлар" тўгараги фаолияти ҳам бунга яққол мисолдир. Тўгарак аъзолари томонидан ёш авлодда ота-оналар ва кексаларни ҳурматлаш, ғамхўрлик кўрсатишга йўналтирилган ибратли тадбирлар амалга оширилди. Улар ҳудуддаги кексалар ҳолидан доимий хабар олган ҳолда оғирини енгил қилиб келишаяпти. Тўгарак қизларининг "Кексаларни эъзозлаш — улуғ қадрият" шиори остидаги "Маҳалланинг энг ораста қизлари" кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичларида бирдек энг юқори ўринга кўтарилганлиги ҳам шундан далолатдир. Шунингдек, маҳалла ёшларининг "Бунёдкор" жамоаси ҳам "Маҳалла менинг тақдиримда" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди.

Маҳалла фуқаролар йиғинида Тиббиёт коллежи ҳамда 15-умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларни дарслардан бўш вақтда спорт машғулотларига жалб этиш, улар ўртасида турли мусобақалар ташкил этишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу ўзининг ижобий самарасини бераяпти. Маҳалла футбол жамоаси маҳаллалар болалари ўртасидаги "Футболимиз келажаги" мусобақасида вилоятда фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.

Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантиришда фуқаролар йиғини қошида фаолият кўрсатаётган "Маслаҳат маркази"нинг ёрдами тегаяпти. Унинг кўмагида маҳаллада тикувчилик цехи очилди ва 11 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда ҳунарманд-тадбиркор Гулсара Алимова бошчилигида тикувчилик ва тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг билан бир пайтда "устоз-шогирд" йўналишида хотин-қизларга ҳунар ўргатилиб, касаначилик меҳнатига жалб этиш йўлга қўйилди. Шунингдек, тадбиркор Дурбек Шамилов томонидан ишга туширилган қандолатчилик цехида тайёрланаётган турли ширинликлар савдо нуқталарига етказиб берилаяпти.

Маҳаллада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда саккиз нафар маҳалладошларга ер майдонлари ажратилганлиги ҳам кутилган самарани берди. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари савдо дўкони, эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, "Paynet" шохобчаси сингари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси тармоқлари кенгаймоқда.

— Маҳалламизда тадбиркорлик истагидагилар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиб келинаяпти, — дейди тадбиркор Дилноза Рамазонова. — Мен ҳам маҳалламиз идорасидаги "Маслаҳат маркази" ёрдамида савдо ва ишлаб чиқариш йўналишидаги "Дилноза" хусусий фирмамни очдим. Айни пайтда маҳалладошларимизга намунали савдо хизмати кўрсатиш билан бир пайтда тикувчилик маҳсулотлари ҳам тайёрлаяпмиз.

Биз билан суҳбатда Гулруҳ Ҳожиева, Ҳусния Тошпўлатова, Гулчеҳра Қодирова, Райҳон Мақсудова сингари тадбиркорлар ҳам маҳалла фуқаролар йиғини шаънига шундай илиқ фикрлар билдиришди.

— Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан жажжи ўғил-қизларимизга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди маҳалла фаоли Матлуба Юлдошева. — Маҳалламиз ҳудудидаги мавжуд ўндан ортиқ болалар ўйин майдончаларининг ҳозирги талаблар даражасида таъмирланиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси билан ҳамкорликда ҳомийларни жалб этган ҳолда яна бир намунали болалар ўйингоҳи бунёд этилганлиги уларнинг қувончига қувонч қўшди. Ундан ўрин олган волейбол ва баскетбол майдончалари, турли аттракционлар, тик ва айланма арғимчоқлар ҳамда соябонли суҳбатхоналардан эрталабдан кечгача болажонларнинг шўх-шодон, бахтиёр кулгилари аримайди.

Булар "Бунёдкор" маҳалласида амалга ошириб келинаётган кенг кўламли бунёдкорликлардан бир лавҳа, холос. Энг асосийси, маҳалла фуқаролар йиғини жамоаси ўз фаолиятининг барча йўналишларида зиммадаги масъулият юкини теран англаган ҳолда меҳнат қилаяпти. "Соғлом она ва бола йили"да ҳам маҳаллани янада обод ва кўркам масканга айлантириш, аҳоли турмуш маданиятини тобора юксалтириш мақсадидаги эзгу тадбирлар кўламини кенгайтирмоқда.

**Олим ХЎЖАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Профессионал маҳоратга эга сафдошларимиз

## фуқароларнинг партиямизга ишончини кучайтиради

**➢БПТ — партия таянчи**

Сирдарё вилоят кардиология диспансери қошидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП бошланғич партия ташкилоти аъзолари жамиятда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўз иштирокини чуқур англаган ҳолда дастурий мақсадларимизнинг халқчил ва инсонпарвар мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб этмоқдалар. Шу боис янги ғоя ва ташаббусларга эга бўлган фидойи кишилар ушбу БПТ атрофида кўпроқ бирлашмоқда.

Билимдон ва малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибалари, профессионал маҳорати ҳар бир соҳа ишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аввало шуни айтиш жоизки, маслакдошларимиз фаолият юритаётган мазкур диспансер шифокорлари 2015 йилда кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш тадбирларида мунтазам қатнашдилар. Йил давомида ҳар ойда туманлардаги тиббиёт муассасаларида диспансер мутахассислари томонидан маҳорат дарслари олиб борилди. Кексаларни соғломлаштириш, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, юрак-қон томир касалликлари профилактикаси юзасидан аҳоли ўртасида суҳбатлар, жонли мулоқотлар ташкил этилди.

Якунланган 2015 йилда вилоят кардиология диспансерида даволанган жами 2654 нафар беморнинг 469 нафари бепул даволанганлиги эътиборга молик. Бундай хайрли ишларда БПТ сафидаги шифокор маслакдошларимиз ибрат кўрсатишмоқда

Бошланғич партия ташкилотлари қанчалик фаол ва ташаббускор бўлса, жойларда партиявий ишлар шунчалик самарали кечади. Қуйи бўғинларнинг электоратни ўйлантираётган масалаларни ўрганиб, партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари билан ҳамжиҳатликда мавжуд муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриши кутилган натижаларни беради. Чунки БПТ аъзолари электорат билан доимий ишловчи, уларнинг ўй-фикрлари, қизиқиш ва манфаатларини яқиндан биладиган сафдошларимиз саналади.

— Бошланғич партия ташкилотимиз фаоллари ташаббуси билан "Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари — олий қадрият", "Фаол фуқаролик позициясини шакллантириш", "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти", "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш оилалар мустаҳкамлигини таъминлайди", "Мустақиллик — бебаҳо неъмат", "Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати" ва бошқа бир қатор мавзуларда жойларда ўтказилаётган тадбирлар иштирокчилар диққатини жалб этиб, партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига ҳам хизмат қилмоқда, — дейди Сирдарё вилоят кардиология диспансери катта ҳамшираси, мазкур БПТ раиси



Муҳаббат Сулаймонова. — Бундай тадбирларда қатнашган ёшлар партиямиз сафига кириш истагини билдираётгани қувонарлидир. Дейлик, бошланғич ташкилотимиз тузилган вақтда аъзоларимиз 7 нафар бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 80 нафарга яқинлашиб қолди.

— Бугунги кунда вилоятимизда жисмонан ва маънан соғлом авлодни вояга етказиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишга ҳисса қўшиб келаётган жамоамизнинг бир гуруҳ серғайрат, ташаббускор шифокорлари бошланғич партия ташкилотига бирлашган, — дейди диспансер бош шифокори Жўрабой Ашурохунов. — Улар тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни фаолиятимизга татбиқ этиш билан бирга партиямизнинг ҳудудда мавқеини мустаҳкамлаш, дастурий вазифаларнинг амалда бажарилишига ҳисса қўшишга интилмоқдалар.

"Соғлом она ва бола йили"да ҳам оналар ва болалар соғлиғини асраб-авайлашга доир масъулиятли вазифаларимиз қаторида аҳолининг тиббий маданиятини янада оширишда маҳаллалар билан ҳамкорликни кучайтириш, бу борада оилалар билан яқиндан мулоқотлар ўтказиб боришни режалаштирганмиз.

Бир сўз билан айтганда, бошланғич партия ташкилотларимиз одамлар онг-шууридаги ўзгаришлар, жамиятдаги янгиланишларга янада фаол таъсир этиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида партиямиз ролини кучайтиришда ўз ўрнига эга бўлиши, социал-демократик ғояларни тарғиб этишда партия ва электорат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўташи лозимлигини сафдошларимиз чуқур англаб иш юритмоқдалар.

**Беҳзод АБДУЛЛАЕВ,**
Гулистон шаҳар кенгаши раиси

**➢Учрашув**

Марғилон шаҳридаги Марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази биносида халқ депутатлари вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутат Шерзод Каримов ташаббуси билан қонунлар мазмун-моҳиятига бағишланган учрашув бўлиб ўтди.

# Сиёсий-ҳуқуқий маданият

## қонунлардан хабардорликка боғлиқ

Халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи, шаҳар ҳокимлиги, жиноят ишлари бўйича шаҳар суди ҳамкорлигида ўтказилган мазкур учрашувда шаҳар ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ф.Мадраҳимов 2015 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган бир қатор масалалар, тасдиқланган қонунлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ш.Каримов мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятидан фуқароларимизнинг мунтазам хабардорлиги уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти янада ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнларини жадаллаштиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтди.

Учрашув давомидаги очиқ мулоқотда хусусий тадбиркорлар, тиббиёт ходимлари, ёшлар "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунлар, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти хусусида ўз фикрларини баён қилиб, мамлакатимизда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоялаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ижобий натижалар бераётганини эътироф этдилар. Таъкидланганидек, амалиётга изчил йўналтирилган қонун ҳужжатлари мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда.



Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволлар юзасидан депутатлар ҳамда мутахассислар билан фикрлашиб олишди.

**Улуғбек РАҲМОНОВ,**
халқ депутатлари Марғилон шаҳар Кенгаши депутати



**➢Партиядошларимиз ибрати**

Кейинги йилларда Андижон вилоятида автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони ортиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан юқори сифатли ва рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тақозо қилади.

# Соғлом рақобат ва сифат

## ютуқлар омили бўлмоқда

Хўжаобод туманидаги Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўн нафардан ортиқ аъзоси меҳнат қилаётган "ROLTOM" масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам бунга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис 2006 йилда "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фойдаланилмай турган бинода атиги 5 нафар ишчи билан ўз фаолиятини бошлаган мазкур корхона саноатчилар орасида жуда тез ўз ўрнини топди. Дастлаб атиги 4 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 30 дан ортди.

Ўз ишига масъулият билан ёндашган ҳолда замонавий дастгоҳларни бошқараётган ёшларга ҳавасингиз келади. Ишлаб чиқариш жараёнининг уч-тўрт босқичи давомида автомобиль кузовининг эҳтиёт қисмлари тайёр бўлмоқда. Ғуломжон Мамарасулов, Шамсиддин Қодиров, Ҳилола Давронова ва Донохон Тиллаеваалар сифат назоратини ўз зиммасига олган. Ёшлар ҳамма вақт уларнинг маслаҳатлари асосида иш юритишади.

— 2014 йилда корхонамизнинг маҳаллийлаштириш дастурига киритилиши зиммамиздаги масъулиятни янада оширди, — дейди МЧЖ раиси Ҳусанбой Розиқов. — Чунки четдан келтирилаётган тайёр маҳсулот ўрнини қоплашнинг ўзи бўлмайди. Тажрибали ишчилар қаторига изланувчан ёшларнинг келиб қўшилиши, жамоа обрўсини кўтариш йўлида қўйилган талаб бу ишончни оқлашимизга олиб келди. Ишлаб чиқариш суръати ҳам кескин ўсди. Агар 2013 йилда 560 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 900 миллион сўмга етди.

2016 йилда корхонада яна 3 турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса ривожланиш йўлидаги навбатдаги қадам демакдир.

**Акбаржон НАЗАРОВ,**
«Adolat» мухбири

# Парламент фаолиятининг

**➢Адолат шарҳи**

Маълумки, ҳозирги босқичда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим устувор йўналишларидан бири, бу — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ва таъсирини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш ҳисобланади.

Шу маънода 2015 йил 30 декабрда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг бир қатор нормалари ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Гап "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги нормалар ҳақида бормоқда. Қайд этиш жоизки, мазкур қонун қабул қилинганидан буён ўтган 10 йил мобайнида 8 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ва бу тузатишлар 35 моддалик қонуннинг 15 та моддасига тааллуқли эди.

Амалдаги қонун 9 боб, 35 моддадан иборат бўлган бўлса, ҳозирда унга 1 та янги боб (VIII$^1$. Қонунчилик палатаси депутатининг сайловчилар, сиёсий партия билан ишларини ташкил этиш тартиби), 12 та янги модда киритилди. Бундан ташқари, жами 35 та амалдаги моддаларнинг 23 тасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур қонун Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида парламент фаолиятини замонавий талабларни инобатга олган ҳолда тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини ошириш бўйича белгилаб берган вазифалари ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

Янги ўзгартиш ва қўшимчалардан мақсад — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ва таъсирини кучайтириш, кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга тааллуқли қонун лойиҳалари муҳокамасида фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг иштирокини ошириш, қуйи палата фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, янги қабул қилинган қонунлар талаблари ва Қонунчилик палатаси фаолиятининг ўн йиллик тажрибасида қўлга киритилган ютуқ ва тажрибаларни умумлаштириб, қонунни бугунги кун талабларига мослаштириш, ривожланган демократик давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибасини миллий қонунчилигимизга уйғунлаштиришдир.

Киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкиллаштириш, сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтириш, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини ошириш, Бош вазир лавозимига номзод томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини кўриб чиқиш, Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг йиллик маърузалари ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитиш, Олий Мажлис палаталарининг назорат қилиш вазифалари тартиботларини аниқлаштириш, парламент сўровидан депутат сўровини ажратиш, депутатларнинг сайловчилар, сиёсий партия билан ишларини ташкил этиш тартибини белгилаб беришга йўналтирилган нормалар ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси фаолиятини ташкиллаштириш мақсадида Спикер ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун шу вақтгача амалда бўлиб келган Оқсоқоллар кенгаши ўрнига сайловларда иштирок этган ҳар бир сиёсий партиядан камида уч нафар депутатдан иборат Сиёсий партиялар вакиллари кенгашини ташкил этиш назарда тутилди. Бунда мазкур Кенгаш йиғилишида сайлов натижаларига кўра палатада энг кўп ўринни эгаллаган партия вакили раислик қиладиган бўлди. Мазкур ўзгартиш Қонунчилик палатаси раҳбарияти, яъни Спикер ва унинг ўринбосарларини демократик принциплар асосида шакллантиришга, кўппартиявийликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Маълумки, шу вақтгача амалда бўлиб келган қонунда Қонунчилик палатаси Кенгаши қай мақсадда тузилиши белгиланган ҳолда унинг функциялари аниқ ва равшан белгиланмаган эди. Эндиликда палата Кенгаши фаолиятини аниқлаштириш мақсадида мавжуд амалиётдан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалари (палата мажлисининг кун тартиби лойиҳасини шакллантириш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириш, қонун лойиҳаси бўйича масъул қўмитани белгилаш, қонун лойиҳасини палата кўриб чиқиши учун қабул қилиш ёки қайтариш, депутатнинг сайлов округидаги ишини ташкил этишга кўмаклашиш ва бошқа) мустаҳкамланди.

Кейинги йўналишдаги ўзгартиш ва қўшимчалар — сиёсий партиялар фракциялари ролини янада кучайтиришга қаратилган. Хусусан, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳларида ўз вакилларини Спикер ўринбосари лавозимига тақдим этиш ҳуқуқи мавжудлигини инобатга олиб, Спикердан унинг ўринбосарларини муддатидан аввал лавозимидан озод қилиш масаласини киритиш ҳуқуқини сиёсий партиялар фракциялари ҳамда депутатлар гуруҳига берган ҳолда, Спикернинг ушбу масалани киритиш ҳуқуқи қонундан чиқарилди.

Қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳар бир босқичида қонун лойиҳасини кўриб чиқиш чоғида фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) қонун лойиҳаси бўйича фикрлари ва таклифлари мажбурий тартибда ва ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилди. Фракцияларнинг (депутатлар гуруҳларининг) фикрлари ва таклифлари мажбурий тартибда ва ҳар томонлама муҳокамадан ўтказилиши шартлигига оид қоида Давлат бюджети лойиҳаси бўйича қарор, Қонунчилик палатасининг бошқа қарор лойиҳаларини кўриб чиқиш чоғида ҳам амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Бундан ташқари, қонунларнинг ижроси, давлат дастурларини ҳамда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан аниқ масалаларни ишлаб чиқиш учун фракциялар, зарур бўлган ҳолларда, ўз депутатларининг сайловчилар билан сайлов округларидаги ишларини ташкил этиши, фракциялар депутатларнинг сайлов округларидаги ишлари якунларини умумлаштиришлари, зарур бўлган ҳолларда, долзарб масалаларни Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритишлари мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция томонидан қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритишига оид ҳуқуқи белгилаб қўйилди. Маълумки, ўхшаш норма аввал ҳам мавжуд эди, бироқ киритилган таҳрир норманинг аниқ қўлланилиши ҳамда мухолифат фракция томонидан муқобил қонун лойиҳасини киритишнинг муддатларини белгилаб бермоқда. Бундан ташқари, қонун лойиҳаси билан бир вақтда мухолифатга Қонунчилик палатасининг муқобил қарори лойиҳасини киритиш ҳуқуқи ҳам берилди.

Навбатдаги ўзгартиш ва қўшимчалар — қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунда Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаси концепциясига муайян талаблар (лойиҳанинг мақсади, ҳуқуқий тартибга солишнинг жорий ҳолатига баҳо, кутилиши мумкин бўлган натижа ва бошқалар) мустаҳкамланди. Олий Мажлис палаталари қўмиталари ҳузурида давлат органлари, илмий ва таълим муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг тегишли соҳаларда муайян тажрибага эга бўлган мутахассисларидан иборат эксперт гуруҳлари тузиш тартибга солинди.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга дахлдор қонун лойиҳалари муҳокамаларига фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари таклиф этилиши шартлиги қайд этилди.

**➢ Депутатлик назорати**

**Халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг олти кишидан иборат депутатлик гуруҳи томонидан ўтган йил мобайнида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир бир қатор масалалар ўрганилди. Уларни ҳал этиш юзасидан зарур таклифлар ишлаб чиқилиб, тегишли ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборига ҳавола этилди. Бу борадаги ишларни жорий йилда изчил давом эттириш режалари ҳам ишлаб чиқилган.**

# Долзарб масала ечими

## жиддий назоратни тақозо этади

— Ўтган йили кузда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз ташаббуси билан йўналишсиз таксилар томонидан аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи ўрганилганди, — дейди депутатлик гуруҳи аъзоси Абдукарим Дўстбоев. — Мониторинг олиб боришда бизнинг депутатларимиз ҳам иштирок этишди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямизнинг депутатлик гуруҳида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг вилоят ҳудудидаги ижроси масаласи мутасадди ташкилотлар вакиллари билан биргаликда кўриб чиқилганда ҳам депутатлик гуруҳимиз аъзолари фаол қатнашдилар. Шундан келиб чиқиб, худди шу мавзудаги масалани туман мисолида тайёрлаб, халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясида муҳокама этиш учун таклиф киритдик.

Яқинда халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашининг навбатдаги тўққизинчиси сессияси бўлиб ўтди. Унда "Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 239-сонли "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини туманда тўлақонли бажариш ҳақида"ги масала ҳам кўриб чиқилди.

Мазкур масала юзасидан маъруза қилган халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари С.Абдураҳмонов ва музокараларда қатнашган депутатлар юқоридаги қарор кучга кирган дастлабки паллада бир қатор ишлар амалга оширилган бўлса-да, кейинчалик ҳаммаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганини қайд этдилар. Шунингдек, туман ҳокимининг мазкур масалада чиқарилган 2011 йил 25 майдаги 334-қарори ижроси таъминланмаганлиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Туман бўйича айни пайтда йўналишсиз такси хизмати кўрсатадиган олтита корхонада атиги 10 та машина борлигини қандай изоҳлаш мумкин? Ҳолбуки, маълумотларга қараганда, аҳоли фойдаланадиган ана шундай машиналар сони қарийб 500 тани ташкил этади. Ушбу йўналишда катта миқдордаги нақд пул банкдан ташқарида айланишига йўл қўйилмоқда. Йўловчи ташишнинг ҳукумат томонидан белгиланган тартиблари бузилиши билан биргаликда фуқароларнинг хавфсизлигига, йўл ҳаракати хавфсизлигига ҳам салбий таъсир этмоқда. Шунинг учун ҳам туман ички ишлар бўлими, солиқ инспекцияси, тижорат банкларининг филиаллари масалани ўз назоратларига олишлари тақозо қилинади. Сессия қабул қилган қарорда ана шу ва бошқа ечимини кутаётган қатор масалалар ўз аксини топди.

— "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи кўтарган масала бугунги кунда ўта долзарблигини ҳамма яхши тушунади, — дейди мазкур сессияда иштирок этган "Чортоқ ҳақиқати" газетаси бош муҳаррири Дилбар Ҳайдарова. — Чунки йўналишсиз такси хизматидан ҳар куни минглаб киши фойдаланади. Аммо бу борада белгиланган талабларга қандай риоя қилинаётганлиги эътибордан четда қолмоқда. Муҳокамалар чоғида мен журналист сифатида ўзим учун таҳлил қилиш ва ёритиш зарур бўлган бир нечта мавзуни белгилаб олдим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, халқ депутатлари Чортоқ туман Кенгашидаги партиядош депутатларимиз бугунги кунда янги режалар асосида иш олиб бормоқдалар.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
«Adolat» мухбири

# Оналар ва болалар соғлиғига масъулмиз

**➢ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили**

**Жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши биз, тиббиёт ходимлари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклайди. Навоий шаҳридаги бизнинг 3-сонли оилавий поликлиникамиз саломатлик посбонлари ҳам буни теран англаган ҳолда меҳнат қилишмоқда.**

Айни пайтда бу борадаги вазифаларни муваффақиятли уддалаш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди. Албатта, режаларимиз фаолият давомида янада такомиллашиб боради. Ҳозирда шифо масканимиз жамоаси 22501 нафар ҳамшаҳаримизга малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Шундан 7756 нафари 14 ёшгача бўлган болалар, 3145 нафарини эса туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларга намунали хизмат қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш борасида мавжуд барча имкониятлардан фойдаланаяпмиз. Айниқса, болалар ва туғиш ёшидаги аёллар саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, белгиланган режа асосида умумий амалиёт шифокорлари томонидан йилнинг биринчи чораги давомида болалар ва туғиш ёшидаги аёллар тўлиқ ва сифатли чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади. Аниқланган касалликлар тезкор равишда амбулатор ва стационар шароитда даволаниб, беморлар соғломлаштирилади. Патронаж ҳамшираларимизнинг масъулияти оширилади. Улар ўзларига бириктирилган ҳар бир оилага чуқур кириб бориш, аёллар ва болалар соғлиғи билан боғлиқ муаммоларни эрта аниқлаб, касалликларнинг олдини олишни мақсад қилишган.

Бундан ташқари, "Саломатлик сектори" лойиҳаси асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ҳар ҳафтанинг белгиланган кунларида маҳалла фаоллари иштирокида оилаларда ўтказиладиган тиббий патронаж самарадорлигини ошириш йўлга қўйилди. Бу, ўз навбатида, эзгу мақсад йўлида маҳаллалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаяпти.

Зеро, оналар ва болалар соғломлиги жамиятимиз ва давлатимизнинг бебаҳо бойлиги, келажагимиз асосидир.

**Шовдир АСАТОВ,**
Навоий шаҳар 3-сонли оилавий поликлиника бош врачи, халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашидаги "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи аъзоси



# Ватанга хизмат —

## энг улуғ мақсад

**➢ Видеоконференция**

**Жиззах давлат педагогика институтида ташкил этилган видеоконференцияда Жиззах ҳарбий округидан 34 нафар бухоролик ва Бухоро ҳарбий округида хизмат бурчини ўтаётган 26 нафар жиззахлик аскарлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этишди.**

Ўзаро мулоқотларда аскарлар ҳамда уларнинг ота-оналари ҳарбий хизматда яратилган шарт-шароитлар, армиянинг ўзига хос таълим-тарбия мактаби эканлиги тўғрисида фикр алмашдилар. Видеомулоқотда ҳарбий қисмларда хизмат қилиш йигитлар учун катта сабоқ ва она Ватан олдидаги муқаддас бурч эканлиги кўп бора таъкидланди.

— Бугунги видеомулоқотда онамнинг юзидаги табассумни кўриб, руҳим янада кўтарилди, — дейди оддий аскар Наврўз Муҳаммедов. — Орамиздаги масофа узоқ бўлса-да, кўнглимиз яқинлашиб, дийдор кўришдик. Бу каби шароитларни яратиб берган давлатимизнинг сарҳадларини ишончли қўриқлашга қатъий аҳд қилдим. Келгусида Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кириб, Ватанимиз ҳимоясига умримни бағишламоқчиман.

— Ўғлим Жўрабой Исаров ҳарбий қасамёд қабул қилган кун ўзимни жуда бахтиёр ҳис қилган эдим, — дейди Нозигул Эгамназарова. — Бугун унинг фахр-ифтихорга тўла сўзларини тинглаб, яна бир бор оналик бахтини туйдим. Унинг ҳарбий хизматчи бўлиш тўғрисидаги қарорини тадбирга йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан олқишлашди. Мен ҳам унинг фикрини қўллаб-қувватлайман.

Тадбир давомида ҳарбий кийим-бош ва анжомлар кўргазмаси, ватанпарварликка ундовчи видеоролик намойиш этилди. Шунингдек, ҳар икки вилоятнинг ёш адабиёт ва санъат ихлосмандлари бадиий чиқишлари билан иштирок этдилар. "Менинг ўғлим — Ватан ҳимоячиси!" деб номланган видеомулоқот якунида Жиззах ҳарбий округида хизмат қилаётган бухоролик аскарларга вилоят ҳокимининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Муқимбой ИСМОИЛОВ,**
«Adolat» мухбири;
**Б.ҚУДРАТОВ** олган сурат

# мустаҳкам ҳуқуқий асоси

Биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳасининг матни, қоида тариқасида, Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайтида жойлаштирилиши, зарур бўлган ҳолларда эса, Қонунчилик палатасининг қарорига кўра оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига оид қоидалар мустаҳкамланди.

Кейинги ўзгартиш ва қўшимчалар Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамаси муносабатларига оид бўлиб, Бош вазир лавозимига номзод томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракат дастурини кўриб чиқиш, Олий Мажлис палаталари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг йиллик маърузалари ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитишга бағишланган.

Олий Мажлис палаталарининг Регламентлари тўғрисидаги қонунларда Бош вазир лавозимига номзод томонидан тақдим этиладиган Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини палаталарнинг қўшма мажлисида эшитиш, ҳаракат дастури ҳамда сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари) вакилларининг фикрлари ва нуқтаи назари баён этилган маърузалари эшитилганидан сўнг Бош вазир номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди.

Конституциянинг 98-моддасига киритилган тузатишларни (Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этиш) амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва навбатдаги йил учун назарда тутилган асосий устувор вазифалар тўғрисидаги ҳар йилги маърузаси Бош вазир томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан йил бошидан Вазирлар Маҳкамасининг якуний йиғилишида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишлари белгиланади. Шундан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси мазкур йиғилишдан сўнг, ўтган даврда амалга оширилган ишлар, Ҳукуматнинг давлат бошлиғи томонидан белгилаб берилган биринчи галдаги устувор вазифалари баён этилган ўз маърузасини Олий Мажлисга тақдим этади.

Яна бир гуруҳ ўзгартиш ва қўшимчалар — Олий Мажлис палаталарининг назорат қилиш вазифалари тартиботларини аниқлаштириш, парламент сўровидан депутат сўровини ажратиш ҳамда уларнинг аниқ вазифасини белгилашга бағишланган. Алоҳида қайд этиш жоизки, амалдаги қонунда Қонунчилик палатаси томонидан назорат қилиш соҳасидаги ваколатлар атиги 3 та моддада белгиланган бўлса, киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида уларнинг сони 8 тани ташкил этди.

Уларга кўра, Қонунчилик палатаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунлар, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ва уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли. Шунингдек, қонунда парламент сўрови ташаббус субъектлари ҳамда сўров бўйича жавобларни кўриб чиқиш тартиби ҳам тўлиқ очиб берилди.

Қонунга алоҳида "депутат сўрови" институти киритилди. Унга кўра, "Қонунчилик палатаси депутати давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан сўров юборишга ҳақли". Яъни, парламент сўровидан депутат сўровининг фарқи шундаки, депутат сўрови тегишли сайлов округи сайловчиларининг ёки Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан юборилиши мумкин. Депутат сўровига жавоб ёзма тарзда тақдим этилади ва у кейинчалик Қонунчилик палатасида кўриб чиқилмайди.

Парламент сўровини юбориш депутатлик сўровига нисбатан мураккаб жараён. Унда тегишли ҳужжатлар лойиҳаларни тайёрлаш, палатада уни юбориш бўйича овоз бериш, парламент сўровига жавобни эшитиш якунига кўра қарор қабул қилиш каби босқичлар қамраб олинди.

Асосий қонунимизнинг 78-моддасидаги Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари сирасига киритилган "мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича Бош вазир ҳисоботини эшитиш" ваколати эса заруриятга кўра парламент сўрови тартибида амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, қонунда Қонунчилик палатаси қўмиталари вақти-вақти билан қонунлар ва Қонунчилик палатасининг қарорлари ижроси устидан назоратни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни қўлланиш амалиётини ўрганиши ҳамда янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Янги киритилган боб "VIII[1]. Қонунчилик палатаси депутатининг сайловчилар, сиёсий партия билан ишларини ташкил этиш тартиби" жуда ҳам муҳим бўлиб, қабул қилинаётган қонунлар фуқаролар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизмини йўлга қўйишда, кўппартиявийлик тизимини изчил ривожлантиришда, сиёсий партиялар фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини, депутатларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини янада оширишда янги босқични бошлаб беради. Бунга биргина мисол қилиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш чоғида Қонунчилик палатаси депутатининг вазифалари сифатида мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, фракциянинг фаолияти, унинг мамлакатни социал-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир нуқтаи назари тўғрисида сайловчиларга ахборот бериш; янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини сайловчиларга етказиш; қабул қилинган қонунларнинг ижро этилиши ҳолатини ҳуқуқнинг қўлланилиш самарадорлигини ва қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш заруратини аниқлаш мақсадида ўрганиш кабилар белгиланганлигини кўрсатишмиз мумкин. Қайд этиш жоизки, шу вақтгача жойларда сайловчилар билан учрашувларда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар, вазифалар қонун асосида аниқ, равшан белгилаб қўйилмаган эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида", "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонунларга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонунларга ҳам киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар қонунчилик ҳокимияти бўлмиш парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини ва таъсирини янада кучайтиришга, кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришга, қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигини оширишга, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тармоқларининг самарали ҳамкорлик қилишларига, қонунлар ва давлат дастурларининг сўзсиз ижро этилишига хизмат қилади.

**Миравзал МИРАКУЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент



**Ўзбекистон "Адолат" СДП фаоллари томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган тадбирлар Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилаётган мард ва жасур ўғлонларимизни улуғлаш, улар матонатини ёш авлодга ибрат ва намуна сифатида кўрсатиш, фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилди.**

# Она юртни ҳимоя қилиш —

## шарафли бурч



Ана шундай тадбирлардан бири Хоразм вилоят ҳокимлиги, вилоят партия ташкилоти, Урганч давлат университети, Ўзбекистон "Veteran" жангчи фахрийлар ва ногиронлар бирлашмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида Ҳазорасп тумани Питнак шаҳрида бўлиб ўтди. "Ватан ҳимояси — шарафли бурч" деб номланган мазкур тадбирда ҳарбий хизматчилар, партиямиз фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этишди.

Тадбирда катта лейтенант Бобур Қосимов, вилоят партия кенгаши раиси Икром Абдуллаевлар давлатимизнинг тинчлик сиёсати, миллий армиямиз салоҳияти тобора юксалаётгани, Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида сўз юритишди. Иштирокчилар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг ҳаётий аҳамиятига алоҳида эътибор қаратишди.

— Диёримизда Ватан ҳимоячилари куни байрамининг кенг нишонланиши биз, ёшларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилади, — дейди ҳарбий хизматчи Акмал Холмуродов

Учрашувда ҳарбийларга партиянинг эсдалик совғалари топширилди. Бадиий жамоаларнинг чиқишлари, Ватанни мадҳ этувчи шеър ва қўшиқлар йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

**➢ Қарор ва ижро**

Инсон учун ҳаётда эркин яшаш, яқинларига, айниқса, оиласи, фарзандларига ҳамдам бўлишдан-да улуғроқ бахт йўқ. Аммо айримлар бунинг моҳиятини кеч тушунади. Билатуриб баъзан тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлайди, нафс қутқусига учади.

# Бағрикенгликдан обод кўнгиллар

Андижонлик Ҳошимжон Сайдалиев ҳам беш фарзандни вояга етказган, уйли-жойли қилган, набиралар қуршовида бахтли ҳаёт кечирарди. Бироқ, бир марта қилсам ҳеч ким билмас, деган ўйда оғуфурушликка қўл урди. Қанчалик катта хато қилганини, болаларининг ҳам бошини эгиб қўйганини қўлга тушгач, билди. Қилмишига яраша узоқ йилга озодликдан маҳрум этилди.

Президентимизнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2015 йил 3 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"-ги қарор билиб-билмай адашган, қилмишидан тўғри хулоса чиқарган кишилар учун катта имконият яратди. Қарор моҳиятида халқимизга хос кечиримлилик, бағрикенглик, инсонпарварлик тамойиллари муҳим ўрин тутган бўлиб, унда биринчи навбатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет эл фуқаролари, ногиронларни жазодан озод қилиш назарда тутилган.

Тошкент вилоятининг Зангиота туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида қарор ижросини таъминлашга оид бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида маҳкум Ҳ.Сайдалиевга нисбатан амнистия актини қўллашга оид иш кўриб чиқилди. Суд, прокуратура, ички ишлар органлари масъул ходимлари билан бир қаторда иштирок этган Олий Мажлис Сенати аъзолари ва жамоатчилик вакиллари маҳкум билан очиқ мулоқот қилиб, унинг чин кўнгилдан пушаймонлиги, хатосидан тўғри хулоса чиқарганини инобатга олиш лозимлигига эътибор қаратди. Ниҳоят, суднинг ажрими эълон қилинди: Ҳ.Сайдалиев амнистия актига асосан жазодан муддатидан олдин озод этилди.

— Миллий қонунчилигимизда халқимизга хос бағрикенглик ўз ифодасини топгани мамлакатимизда инсон манфаатларини ҳимоялашга қаратилган ишларнинг ёрқин намунасидир, — дейди Жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани суди раиси вазифасини бажарувчи Мамадали Аҳмедов. — Амнистия замирида ҳам ана шундай эзгулик мужассам. Зеро, юртимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасида бу тамойиллар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Амнистиянинг суд томонидан қўлланилаётгани инсон ҳуқуқларини суд орқали самарали таъминлашни кафолатлаш механизмини янада мустаҳкамламоқда. Мамлакатимизда амнистия актининг ҳар йили эълон қилинаётгани Ўзбекистоннинг юксак демократик, инсонпарвар давлат экани далолатидир.

— Юртбошимизнинг доим халқни ўйлаши, хато қилганни кечириши жуда катта бағрикенглик, — дейди Зулфизар Сайдалиева. — Ана шундай имконият туфайли отам қисқа муддатда озодликка чиқарилди. Оиламизга ёруғлик қайтди, бағримиз яна тўлди. Бунинг учун биз давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз.

Суднинг ажримига мувофиқ жазодан озод этилганлардан яна бири бухоролик Нишонжон Қўчқоров. Эндигина йигирма ёшга қадам қўйган бу йигитнинг нигоҳларида ёшликка хос шижоат эмас, балки афсус-надомат яққол кўринади. У ўйламай босган қадами нафақат ўзи, балки оиласи шаънига иснод келтирганидан қаттиқ пушаймон.

— Касб-ҳунар коллежида ўқиб, автомобилларни таъмирлаш бўйича яхши ҳунар эгаллагандим, — дейди Н.Қўчқоров. — Ҳалол меҳнат қилишни давом эттирганимда ўғирлаганимдан кўра кўпроқ барака кўришим мумкинлигини кеч тушундим, қилмишимдан қаттиқ пушаймонман. Президентимиз мен каби адашганларни афв этиб, тўғри йўлга тушишим учун имконият берди, амнистия шарофати билан жазодан муддатидан илгари озод этилдим. Энди фақат ҳалол меҳнат билан эл-юртга фойда келтираман.

— Қарорга мувофиқ, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинмоқда, — дейди Тошкент махсус прокурори вазифасини бажарувчи Мухтор Муҳаммедов. — Бундай имконият айбига иқрор бўлиб, қилмишидан афсус-надомат чекаётган маҳбусларнинг ўз оиласи бағрига қайтиши учун кенг йўл очди. Бундай бағрикенглик ва кечиримлилик билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолганларни қайта тарбиялаш, соғлом ҳаётга қайтаришда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Шу куни ўн нафардан зиёд маҳбус амнистия актига мувофиқ озодликка чиқарилди. Бу ўз хатосини англаб, қилмишидан пушаймон бўлаётган кишилар учун юртимиз равнақи ва фарзандлари келажаги йўлида тўғри яшаб, ҳалол меҳнат қилиши учун берилган улкан имкониятдир.

Қарор ижросини таъминлаш жараёнида жазони ўташ жойларидан озодликка чиқарилганларнинг ижтимоий-маиший таъминоти ва уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларда янгича ҳаёт, меҳнат шароитига кўникма ҳосил қилиш учун барча имконият ишга солинмоқда. Жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги махсус комиссиялар, ижтимоий кўникма марказлари томонидан уларга ижтимоий-маиший, моддий ёрдам кўрсатилмоқда.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
ЎзА мухбири

## ? Ҳуқуқий маслаҳатхона

**— Ишсизлик нафақаси Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тўланиши ҳақида эшитиб қолдим. Бундай нафақа қанча муддат давомида бериб борилади?**

*Б.Рўзиев, Тошкент шаҳри.*

*— Меҳнат кодексининг 65-моддаси иккинчи қисмига кўра, ҳақиқатдан ҳам ишсизлик нафақаси кўпи билан: ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта; илгари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсга эса ўн уч календарь ҳафта мобайнида тўланади.*

*Айни пайтда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг ягона ва энг асосий вазифаси ишсизлик нафақасини тўлашдан иборат, деб бўлмайди. Меҳнат кодексининг 64-моддасига мувофиқ, ишсиз деб эътироф этилган шахсларга ишсизлик нафақасидан ташқари: қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш; касб ўрганиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшиш; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти таъминланади. Бироқ, иш қидираётган шахслар учун Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларининг энг асосий вазифаси — бу уларни мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни, бепул касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга йўналтириш ҳисобланади.*

**— Иккинчи гуруҳ ногирониман. ТМЭКнинг хулосасига асосан, меҳнатга лаёқатли ҳисобланаман. Ҳозирда ҳеч қаерда ишламайман. Агар маҳаллий меҳнат органи мақбул келадиган иш топиб бера олмаса, ишсиз, деб эътироф этиламанми?**

*С.Нўъмонова, Фарғона вилояти.*

*— Меҳнат кодексининг 60-моддасига кўра, ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади. Сиз иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўйича пенсия олишингиз сабабли ишсиз, деб ҳисобланмайсиз.*

Саволларга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг бошқарма бошлиғи **Эркин АВЕЗОВ жавоб берди.**

Reklama o'rnida

# Тадбиркорлик ташаббусларига таянч

MIKROKREDITBANK



**➢ Эътироф**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлар туфайли тадбиркор юртдошларимиз нафақат ўз ишида муваффақиятга эришмоқда, балки халқимиз фаровонлигига ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Ўз тажрибамга таянган ҳолда шуни айтишим мумкинки, ташаббус ва мақсад сари қатъият билан интилиш ўз самарасини бериши аниқ. Тиббиёт соҳасида ишлаб орттирган тажрибам туфайли менда ҳам хусусий клиника очиш ғояси туғилди. Таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида хусусий тиббиёт муассасалари тармоғининг ривожланиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Бир неча йил олдин тажрибали шифокорлар билан биргаликда орқа мия ва таянч-ҳаракат тизими касалликларини даволашга ихтисослашган тиббиёт марказини очишга қарор қилдик. Жамоамизнинг тиббий тажрибаси етарли бўлса-да, бу лойиҳани амалга ошириш учун катта миқдордаги молиявий харажат талаб қилинарди.

Бу каби ғояларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан тақдим этилаётган қулай шартлардаги кредитлар катта кўмак бўлаётгани бугун ҳеч кимга сир эмас. Шу мақсадда «Микрокредитбанк» АТБнинг Жиззах вилояти филиалига қилган мурожаатимиз ҳам муваффақиятимизга йўл очди. Бу ерда иш режаларимиз катта қизиқиш билан ўрганилди. Кредит олиш учун тақдим қилган аризамиз қисқа муддатда кўриб чиқилиб, лойиҳамизни амалга оширишга ёрдам бериладиган бўлди. Шу асосда молия муассасасидан хусусий клиника ташкил этиш учун бошланғич сармоя сифатида 36 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Ушбу молиявий кўмак орқали биз Мирзабулоқ маҳалласи ҳудудида замонавий клиника фаолиятини йўлга қўйдик. Унда анъанавий шарқ табобати ва замонавий тиббиёт услублари асосида умуртқа касалликларини даволаш бўйича тажрибали шифокорлар қабули йўлга қўйилди. Қисқа вақт ичида муассасамиз ном чиқаришга эришди. Бугунги кунда бу ерга нафақат Жиззах вилоятидан, балки бутун республикамиз ҳудудларидан даволаниш учун ташриф буюришмоқда.

Беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишда юқори даражадаги тиббий тажриба билан бир қаторда замонавий асбоб-ускуналар ҳам керак бўлиши ҳаммамизга аён. Айни шу борада, яъни хориждан замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилишда ҳам «Микрокредитбанк» сармоялари ёрдам берди. Тақдим этилган сармоя бизга янги диагностика ва даволаш ускуналарини сотиб олиш орқали аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Ўз навбатида, клиникамизда тиббий хизмат турларининг кенгайиши билан 12 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Умуман, замонавий тиббиёт муассасасининг ишга туширилиши қишлоғимиз учун диққатга сазовор воқелик бўлди. Биз учун эса беморларни соғлом ҳаётга қайтариш, аҳолимиз саломатлиги ва фаровонлиги йўлида хизмат қилиш катта шараф.

**Лайло ЗОКИРОВА,**
«Оромбахш Дилроз Шифобахш» хусусий корхонаси раҳбари
*Жиззах вилояти*

Хизматлар лицензияланган

# Ижтимоий тармоқ "қармоқ"қа айланмасин

**➢ Мулоҳаза учун мавзу**

"Эшик тақиллаганида кимлигини сўра, бегона кишининг овозини эшитсанг, эшикни очма", "Кўчада юрганингда, сен танимаган киши олдингга келиб, йўлни яхши билмаслигини айтиб, уни фалон ерга бошлаб боришни илтимос қилса, ўзингни олиб қоч", "Бегона инсон келиб, "отанг" ёки "онанг йўлнинг нариги томонида кутиб турибди, юр, олиб бораман", деса, ишонма"...




Болани ҳушёрликка ундовчи шунга ўхшаш гапларни айтмаган ота-она учрамаса керак. Тўғри-да, боланинг қалби беғубор, у бировдан ўз ёрдамини аягиси келмайди. Ўзидан йўл кўрсатишни сўраган одамнинг кўзи ва сўзида яхшиликни кўради. Афсуски, дунёда фақатгина эзгулик нурини сочувчи, амали ва сўзи билан бошқаларга ўрнак бўлувчи инсонлар эмас, балки манфур мақсадлари йўлида бошқа инсонларнинг тақдирига бефарқ, худбин, жоҳил катталар ҳам борлигини у ҳали билмайди.

Шу боис биз, ота-оналар фарзандимизни ҳаётий тажрибамиздан келиб чиқиб тарбиялаб, катта ҳаётга йўналтирар эканмиз, у ўз ҳаётида қоқилмаслиги, адашмаслиги ёки нисбатан камроқ адашиши учун бу бир кам дунёда учраётган яхши ва ёмон амаллар, шунингдек, инсонлар ҳақида маълумот беришга, огоҳ этишга интиламиз.

Лекин бўш вақтида ўртоқлари билан маҳаллада ёки мактаб спорт майдончасида тўп суриш ёки дугоналари билан "меҳмон-меҳмон" ўйнашдан кўра ўзимиз ёки яқинларимиз совға қилган замонавий смартфон телефон, планшет ёки гаджетларда ўйин ўйнашни, интернет оламига "саёҳат қилишни" афзал билаётган бугунги ўғил-қизларимизга юқоридаги маслаҳатимиз бироз аҳамиятини йўқотгандек, назаримизда. Виртуал ўйиннинг барча босқичини муваффақиятли якунлаш ва кейингисини "забт этиш" қизиқроқдек туюладиган боланинг ўйи ҳам, дунёқараши ҳам бошқача бўлади. Эҳтимол, уларнинг аксарияти кўча-кўйда бегона шахс билан мулоқотга киришмаслик, уларга эшикни очмасликни яхши билар. Бироқ бугун кўчадаги каззоб, ўғрилардан ҳам хавфлироқ бир куч — интернет, аниқроғи, ундан ўзининг бузғунчи ғоялари йўлида фойдаланаётган фирибгарлар бор.

Тўғриси, янги дўстлар орттириш, дунёда содир бўлаётган янгиликлардан тез фурсатларда хабар топиш, илм-фан ютуқлари билан танишиш, халқ оғзаки ижодидан тортиб бадиий, илмий, маърифий адабиётларни мутолаа қилиш ва бошқа кўплаб, чексиз имкониятларни тақдим этувчи виртуал оламда оддий ҳаётимиздагидек ғаразли, бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчилар ҳам учрашини тезда тушуниб, ажратиб олиш мушкулроқ. Эҳтимол, айнан шу сабабли ҳам смартфон телефон ва технологияларининг асосчиларидан бири, дунёнинг энг етакчи компанияларидан саналмиш Apple компаниясининг собиқ раҳбари, олим Стив Жобс ҳаётлигида ўзи яратган бундай замонавий телефонлардан фарзандлари фойдаланишига рухсат бермагандир...

Мутахассисларнинг фикрича, "Facebook", "Odnoklassniki", "Twitter", "Instagram" каби ижтимоий тармоқнинг "домига тушган" ёшларда бегоналарга ишониш мойиллиги даражаси юқори бўлади. Яқинда телевизорда хорижлик ҳамкасбларимизнинг буборадаги тажрибасига кўзим тушиб қолди. Тадқиқотчилар ижтимоий тармоқнинг "фаол фойдаланувчи"си бўлмиш 4 нафар 15-16 яшар ўғил-қизни (ўзларига билдирмасдан, аммо ота-оналари билан келишган ҳолда) тажриба объекти сифатида танлашади ва улар билан ижтимоий тармоқ орқали танишишгач, бирор жойда учрашиш таклифини беришади. Буни қарангки, тажрибада иштирок этаётган 4 нафар "фойдаланувчи" ҳам келишилган вақтда айтилган жойга етиб келишади. Бу ерда уларни аслида ким кутиб туриши мумкин эди?..

Бугун терроризм, одам савдоси, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик, курол-яроғ савдоси сотуви сингари умуминсоний иллатлар ижрочилари балки бир вақтлар айнан юқоридаги тажриба иштирокчилари сингари содда, ишонувчан бола бўлишгандир. Эҳтимол, улар ота-онаси, оиласидан топмаган эътиборни, меҳрни кўчадан топган, шу аснода кимларнингдир тузоғига илиниб қолгандир...

Албатта, фарзандларимизни интернетдан бутунлай чегаралаш ёки умуман фойдаланишини тақиқлаш яхши самара беради, деган фикрдан йироқмиз. "Ахборот асри"да бунинг иложи ҳам йўқ. Аксинча, қанча тақиқласак, болаларнинг қизиқиши шунча ортади.

Демак, биз, ота-оналар, маҳалла фаоллари, жамиятнинг уйғоқ вакиллари фарзандларимиз, ёшлар билан алоҳида шуғулланишимиз, уларнинг ақлий салоҳиятини, дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилувчи машғулотларни топишига кўмаклашишимиз шарт. Зарурат туғилганда, ҳатто уларнинг қизиқишига сабаб бўлаётган ўйинлар, ижтимоий тармоқларнинг сир-асрорларини мукаммал ўзлаштиришимиз ва уларга бунинг фойдадан кўра зиён эканлигини исботлаб бера олишимиз керак. Интернетдан оқилона фойдаланиш кўникмасини, маданиятини болаларимизда шакллантириш учун эса уни аввало ўзимиз, биз катталар мукаммал ўзлаштирган бўлишимиз, яхши ва ёмон жиҳатларини фарқлай олишимиз лозим.

Мутафаккир бобомиз Абдулла Авлонийнинг "Тарбия ё ҳаёт, ё мамот" ҳикмати ҳамон ўз долзарблигини йўқотмаган. Эртанги кунимиз қандай кечишини биз, ота-оналарнинг бугун фарзандларимизга бераётган таълим-тарбиямиз белгилаб беради.

**Саодат СОДИҚОВА,**
«Adolat» мухбири

➢ **Иқтисодиёт таянчлари**

# Замонавий, қулай ва кўркам

## уй-жойлар барпо этишга йўналтирилган сармоялар

IPOTEKA BANK

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда уй-жой қурилиши ҳамда иқтисодиётнинг мазкур соҳасида фаолият юритувчи корхона ва ташкилотларни ривожлантириш банк-молия тизими учун ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатда иштирок этишнинг самарали усулларидан бирига айланди. Бинобарин, ушбу соҳа тижорат банклари активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбасини яратишда самарали механизм бўлиб шаклланмоқда.**

**Жумладан, бугун мамлакатимизда "Ипотека-банк"нинг аҳоли ва юридик шахслар хизматида бўлган 38 та филиал, 129 та мини-банк, 530 дан ортиқ жамғарма ва махсус касса ҳамда 83 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари кенг кўламли фаолият юритмоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилган "Ипотека-банк" акциядорлик-тижорат ипотека банки ўн йилдирки, мамлакатимиз уй-жой бозорини ривожлантиришда собитқадамлик билан иш юритиб, ўз молиявий фаолиятини барқарорлаштириб бормоқда.

Муассаса фаолиятининг ўсиш тенденциясини унинг фаолиятига баҳо бераётган дунёдаги нуфузли рейтинг компаниялари хулосаларида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, "Moody's" ва "Standard & Poor's" халқаро рейтинг компаниялари банкнинг кредит ва депозит сиёсатини ижобий баҳолаб, унинг истиқболини бир неча йиллардан бери "Барқарор", дея тасдиқлаб келмоқда.

Юртимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётган "Ипотека-банк" республика бўйича узоқ муддатли ипотека кредитлари асосида уй-жой қурувчи ташкилотларга кредит ажратиш учун маҳаллий ва хорижий инвестиция маблағларини жалб қилиб келмоқда. Пировардида, юртимизда бир неча юзлаб импорт ўрнини босувчи, тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилди, мавжудларининг технологик ва хомашё базаси шакллантирилиб, уларнинг иш унумдорлиги ва аҳолининг бандлик даражасини оширишга эришилди. Энг муҳими, муассасанинг молиявий хизматлари асосида республикамизнинг турли ҳудудларида бир-биридан кўркам, замонавий кўп қаватли уйлар қад ростлади. Уйлар атрофида аҳолининг барча турмуш ва маиший эҳтиёжларини қамраб олувчи савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётганининг гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизда ҳам истиқлол йилларида аҳолини уй-жой билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилгани бежиз эмас. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилалар фаровонлигини оширишда дастлаб уларнинг турар жой муаммоларини ҳал қилиш, айниқса, бизнинг менталитетимизга хос бўлган асосий жиҳатлардан бири саналади. Қолаверса, уй-жой қурилиши нафақат халқ турмуш тараққиёти билан боғлиқ ижтимоий масалаларни ҳал этиш, балки коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқларининг янада ривожланишига ҳам туртки бўлади.

Шу боис ҳам ушбу вазифалар банк ташкил этилганидаёқ фаолиятнинг устувор йўналиши сифатида бизнес-режаси, узоқ муддатли стратегияси ва муассасани ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда банкнинг айнан уй-жой бозорини тараққий эттиришдаги фаолиятини сарҳисоб қилиб, ўтган давр мобайнида муассаса томонидан аҳолига фойдаланишга топширилган уйлар сони 42 тани, квартиралар сони 1320 тани ташкил этди, квартираларнинг умумий майдони эса 127 минг.кв.метрдан ошганлиги эътиборга молик. Айни пайтда юртимизнинг ҳар бир гўшасида замонавий, қулай ва кўркам турар жойлар барпо этиш, маиший хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, ободонлаштириш ишлари қизғин давом этмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида банк вилоятлар маркази ва Тошкент шаҳрида 50 та кўп қаватли уй-жой қурилишини молиялаштириш учун 186,2 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Бундан ташқари, "Ипотека-банк" томонидан жами "Камолот" уйларининг қурилиши молиялаштирилди. Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Асака ва Балиқчи туманларида жами 3 та 144 хонадонли, Бухоро вилоятининг Бухоро, Когон шаҳарларида ва Ғиждувон туманида жами 3 та 192 хонадонли, Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида битта 32 хонадонли уйлар фойдаланишга топширилгани фикримизнинг исботидир. Ушбу уйлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ёш оилаларга "Камолот" уйлари сифатида сотишда ипотека кредитлари асосида расмийлаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар-жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани Нурафшон кўчасида 4 та 5 қаватли, жами 130 хонадонли турар жой бинолари барпо этилди.



Яна шуни айтиб ўтиш керакки, "Ипотека-банк" қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида ҳам икки йилдан буён иштирок этиб келмоқда. Инсон манфаати, унинг бахтли ва фаровон турмушини таъминлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида мужассам. Бинобарин, бугунги кунда қишлоқларимиз қиёфаси ҳақида гап кетганда, айни шу янгиланишлар алоҳида тилга олиниши бежиз эмас. Бундай оламшумул ўзгаришлар эса одамларнинг онгу шуурини, дунёқарашини ўзгартириб, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамламоқда.



Президентимизнинг 2015 йилнинг 7 январдаги "2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарори мазкур йўналишдаги ишларни жадаллаштирмоқда. Ушбу қарорга асосан, 2015 йилда "Ипотека-банк" томонидан вилоятларда 3049 та намунавий уйлар қурилди. Бу 2014 йилга нисбатан 3 баравардан ортиқ, демакдир. Мазкур уй-жойларнинг қурилиши учун 361 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Агар ўтган йилда "Ипотека-банк"нинг аҳолига ажратган ипотека кредитларини сарҳисоб қиладиган бўлсак, улар 4280 та оилага берилган 497,8 миллиард сўмни ташкил этиб, шундан 110,2 миллиард сўмлик 1020 тадан ортиқ оилага янги қурилган кўп қаватли турар жой биноларидаги квартираларни сотиб олишга, 361,7 миллиард сўмлик қисми эса, 3042 та оилага хусусий уй-жой қуриш ва таъмирлаш учун (шу жумладан, намунавий уй-жойларга) тақдим этилганига амин бўламиз.

Reklama o'rnida

Бундан ташқари, аҳолига уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи замонавий маиший-техника, уй жиҳозлари, мебель воситаларини харид қилиш, таълим, дам олиш мақсадлари учун 36 миллиард сўмлик истеъмол кредитларини ажратиб, уларнинг 11 миллиард сўми ёш оилаларга имтиёзли равишда тақдим этилди.

"Ипотека-банк" қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Чунончи, ўтган йилда ушбу йўналишда жами 62,2 миллиард сўмлик кредитлар берилиб, ушбу маблағлар ҳисобига қарийб 100 та рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг лойиҳалари молиялаштирилди.

Шунингдек, банк республикамиз молия бозоридаги универсал молия муассасаси сифатида банк тизимининг бошқа йўналишлари бўйича ҳам самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, банк мамлакатимиз иқтисодий ислоҳотларининг асосий бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ва шу орқали юртимизда ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Чунончи, ўтган йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 861 миллиард сўм миқдорида кредит ва 207,7 миллиард сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди. Ушбу маблағлар ҳисобига кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, натижада 17600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Маълумки, банк бизнесини ҳудудлар миқёсида ривожлантириш банк фаолиятини барқарорлаштиришнинг замонавий тамойилларидан бири ҳисобланади. "Ипотека-банк" тизимнинг мана шундай мезонларидан келиб чиқиб, республикамиз ҳудудлари бўйлаб ўз инфратузилмасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш жоизки, бугунги кун талабларига тўлақонли жавоб бераётган "Ипотека-банк" фаолияти бундан кейин ҳам янада кенгайиб, кўп сонли мижозларнинг ишончига эга бўлиб бораверади.

## Бунёдкорлик шукуҳи

*Бугун юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Мустақиллик йилларида барпо этилган муҳташам иморатлар, равон йўллару кўприклар, серфайз боғ ва хиёбонлар, намунавий лойиҳа асосида бунёд этилган турар жойлар, замонавий маҳаллалар киши дилини қувнатиб, қалбида ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиради. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби гўзал Фарғона шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.*

*Бундан бир неча йил аввал Фарғонада бўлган киши бугун уни таний олмай қолиши шубҳасиз. Чунки қисқа фурсатда амалга оширилган кенг кўламли ўзгаришлар барчанинг ҳайратини оширмоқда. Юртимизда давом этаётган ободончилик ва бунёдкорлик шукуҳи шиддат билан ўзгараётган даврда барча соҳалар қатори архитектура ва қурилиш соҳасидаги янгиланишлар, туб ўзгаришларда ҳам намоён бўлмоқда.*

*2005 йилдан бери ушбу банк хизматидан мижоз сифатида фойдаланиб келаётган корхонамиз асосан қурилиш фаолияти билан шуғулланади. Аҳолига турар жойларни қуришда биз "Ипотека-банк" кредитларига суянамиз. Ишончли ҳамкор, қолаверса, кредит шартларининг мақбуллиги, айниқса, эътиборли. Кредит олишнинг содда механизми ишлаб чиқилганлиги, профессионал ходимлар томонидан банк хизматлари кўрсатилаётганидан мамнунмиз. Ўтган йиллар давомида банк кредитлари ёрдамида Қўқон шаҳрида иккита 4 қаватли, Фарғона шаҳридаги тўртта 5 қаватли қурилган турар жойларни мисол қилиб келтириш мумкин. Албатта, ушбу турар жой биноларини қуришда ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва мавсумбоп қурилиш материалларидан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, вилоятимиздаги ижтимоий инфратузилма объектларининг қад ростлашига ҳам ҳисса қўшиб келмоқдамиз.*

*Бугунги кунда корхонамизда 49 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улардан 10 нафари касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларидир. Корхонамизнинг тажрибали, етакчи ходимлари ёшларга касб сирларини ўргатиб, уларни келажакда соҳанинг керакли кадрлари бўлишига замин яратиб келишмоқда.*

*Яна шуни айтиш жоизки, бунёдкорликлар кишига завқ бағишлайди. Бугун Фарғонада амалга оширилаётган ишлар Президентимиз раҳнамолигида бутун мамалакатимизда кечаётган ўзгаришлар, эзгу саъй-ҳаракатлар инсон манфаатларига қаратилганлигининг тасдиғи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва фаровон ҳаётнинг амалий самарасидир.*

**Айгул ЗАКИРОВА,**
Фарғона шаҳридаги "Файз Бинокор Олтиариқ" хусусий қурилиш монтаж корхонаси раҳбари

## Янги хонадон қувончи

Янги оила қурган ёшларнинг олдида турган энг муҳим масала — уй-жой сотиб олиш бўлса керак, деб ўйлайман. Мен ҳам катта ҳаёт сари қадамни ўзим учун оилам бахтли ва қувончли кунларини муносиб ўтказадиган маскан — уй-жой сотиб олиш билан бошладим. Бунда менга ёш оилалар учун ажратилаётган ипотека кредитлари қўл келди. "Ипотека-банк"нинг Фарғона вилояти филиалидан 2015 йил ноябрь ойида уй-жой учун 106 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига шаҳримиздаги "Маърифат" кўчасида жойлашган замонавий дизайнли, турар жойдаги шинам 3 хонали хонадон соҳиби бўлдим. Ушбу масала юзасидан банкка мурожаат қилганимда, банк ходимлари қисқа фурсатларда бирламчи уй бозоридан ҳамма қулайликларига эга хонадон сотиб олишимга ёрдам беришди. Янги уйдаги барча шароитлар замонавий, айниқса, иссиқ сув ва иситиш мосламаларини охирги технологиялар асосида жойлаштирилганлиги, қолаверса, жойлашув ўрни марказга яқинлиги кишини мамнун этади. Хоналари кенг, шинам, уй лойиҳаси сўнгги дизайнлар асосида бунёд этилган. Уйларда замонавий телевизор борлиги ишдан сўнг уйга қайтганда мароқли дам олишга ёрдам беради. Энг муҳим жиҳати, кредит фоизларининг пастлиги ва муддатларининг мақбуллиги уй-жой сотиб олиш учун яхши имконият беради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банк ходимлари ушбу жараёнда хонадоннинг уй ҳужжатларидан тортиб, то нотариусгача бўлган мулоқотлардаги иштироки бу соҳада профессионал мутахассислар иш юритаётганидан дарак беради. Ипотека кредитлари ажратишнинг пухта, очиқ-ошкора механизми ишлаб чиқилгани, банк яратаётган қулайликлар мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг юқорилигидан мамнунмиз.

Яқин келажакда ёш оилалар учун ажратилган истеъмол кредитлари билан танишиб, уйга керак бўладиган, уй-рўзғор юмушларини енгиллаштирувчи буюмларини сотиб олиш ниятидамиз. Бунда ҳам биз банкнинг молиявий кўмагига таянамиз. Ёш оилалар учун яратилаёган бу имконият ва имтиёзлар уларнинг бахтли ҳаёт кечиришини таъминламоқда.

**Зарнигор АБДУЛЛАЕВА,**
Фарғона шаҳри

## Харидоргир безакли майоликалар

*Маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг самарали ташкил этилиши ички бозорни истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдириш каби долзарб муаммоларни ички имкониятлар ҳисобидан тўлиқ бартараф этиш имконини беради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, ушбу сектор субъектларини кредитлаш ҳажмларининг ўсиши ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳисса қўшиб келмоқда.*

*Корхонамизнинг ташкил этилганига кўп бўлмаганига қарамасдан, бугунги кунда аҳолининг қурилиш молларига бўлган эҳтиёжининг кун сайин ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда ички бозорни кенг кўламда сифатли маҳсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдамиз. Корхонамизда безакли майоликалар ҳамда тош ойналар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, ойналарни гулли нақш билан ўйиш, уларни эгиш хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Дизайн соҳасининг кескин суръатлар билан ривожланиб бораётгани биздан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда технологик асбоб-ускуналарнинг ҳам энг сўнгги русумларидан фойдаланишни талаб этади. "Ипотека-банк" Хусусий тадбиркорлик секторини ривожлантириш Ислом корпорациясининг кредит линиясини жалб қилганлигидан хабар топиб, ушбу банкка мурожаат қилдик. Банк жамоаси бизнес-режамизни кўриб, 452 минг АҚШ доллари миқдорида маблағни кредит линия ҳисобидан ажратишга қарор қилди. Олинган маблағ эвазига Туркияда ишлаб чиқарилган майолика ишлаб чиқариш ускунаси ва Хитойда ишлаб чиқарилган ойналарга ишлов бериш ускунасини харид қилдик. Айни пайтда корхонамиз кунига 300 кв.м. майолика ишлаб чиқариш қувватига эга.*

*Ҳозирда маҳсулотларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш ва инсон саломатлиги учун фойдали экологик тоза хомашёдан тайёрлашга ҳаракат қилаяпмиз. Олган сармоямиз ҳисобига 10 га яқин янги иш ўринлари очилиши билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми яна бир поғонага ўсди. Муассаса билан ҳамкорликда маҳсулотларнинг турини кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилашда хорижий технологик асбоб-ускуналарни сотиб олишни режалаштирганмиз. Бунда биз "Ипотека-банк"нинг Яккасарой филиали молиявий кўмагига таянамиз. Эндиликда биз замонавий, пишиқ ва чиройли дизайнли маҳсулотларимиз билан нафақат юртимизда, балки хориж бозорларида ҳам муносиб ўрнимизни топа олишимизга ишонамиз.*

**Одил ТУРСУНОВ,**
Тошкент шаҳридаги "Зета Максимум" МЧЖ корхонаси раҳбари

**Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Нилуфар МИРЗАЕВА** тайёрлади.

Xizmatlar litsenziyalangan

Reklama o'rnida

ASAKA BANK

# Кичик бизнесга катта эътибор

**➢ Молия муассасаларида**

**Мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, шу асосда аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омили мамлакат тараққиёти йўлидаги фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.**

Президентимиз ташаббуси билан хусусий секторни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада тадбиркорлик субъектлари сони йил сайин кўпайиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши муттасил ортиб бормоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг таянч соҳасига айланган кичик бизнесни янада тараққий эттириш, айниқса, банк-молия тизими зиммасига юксак масъулият ва вазифаларни юклайди. Шундан келиб чиқиб, молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" акциядорлик-тижорат банкининг Афросиёб филиали томонидан хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш ва сервис хизматлари кўрсатиш соҳасида хусусий секторнинг салмоғини ошириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Банк филиали кредит портфели 2016 йил 1 январь ҳолатига 31,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг асосий қисмини узоқ муддатли кредитлар ташкил этади. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, 2015 йилда мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 22,6 миллиард сўмни ташкил этди.





Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 8,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 2,8 бараварга ўсишга эришилди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари очилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқда яшовчиларнинг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан 3,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказида. Хусусан, жорий йилда мазкур йўналишда банк филиали томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш кераккки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқарган ҳолда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3,6 миллиард сўмдан ортиқ, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 2,1 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан ҳам кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратилмоқда.

Ушбу кредитлар нафақат Самарқанд шаҳри ва тумандардаги, балки вилоятнинг чекка ҳудудларида ҳам тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани билан эътиборга молик. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

Мухтасар қилиб айтганда, "Асака" банкнинг Афросиёб филиали сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Назира МУҲАМАДҚУЛОВА,**
**хусусий тадбиркор:**

*— Юртимизда тадбиркорларга яратилган кенг имкониятлар ва имтиёзлардан илҳомланиб, мен ҳам тадбиркор бўлай деб, яхши ниятлар билан халқимиз дастурхонини арзон қандолатчилик маҳсулотлари билан тўлдиришга астойдил бел боғладим ва оиламиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, қандолатчиликни ривожлантиришга киришдик. Шу мақсадда вилоятда энг кўзга кўринган, нуфузли банклардан бири бўлган «Асака» банкнинг Афросиёб филиалига мурожаат қилдик. Банк маъмурияти тез фурсатда зарур бўлган кредит маблағини ажратиб берди. Банк кредити ҳисобига юқори сифатли ва ҳамёнбоп қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошладик. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонлари биз ишлаб чиқарган ширинликларни суйиб харид қилмоқдалар. Тадбиркорлик натижасида даромадимиз кўпайиб, оиламизга барака кирди. Оилавий бизнесимиз ривожланиши учун молиявий мадад берган «Асака» банк жамоасига миннатдорчилик билдирамиз.*

**Ботирбек КУБАЕВ,**
**"Kedr Grant" оилавий корхонаси бошлиғи:**

*— «Асака» банк томонидан ажратилган кредит маблағи эвазига 25 бош йирик шохли қорамол харид қилдик. Шунингдек, эски ферма биносини замонавий лойиҳа асосида реконструкция қилишга муваффақ бўлдик. Қўшимча 2 та янги иш ўрни яратилди. Бугунга келиб оилавий корхонамиз қарамоғидаги йирик шохли қорамоллар сони 30 бошга етди. Ҳозир оилавий корхонамиз моддий ва молиявий барқарорлик йўлидан дадил бораяпти.*

*Оилавий корхонамиз «Асака» банк сармоялари шарофати билан иқтисодий барқарорликка эришди. Ўртадаги ишончли ва фойдали ҳамкорлик бундан кейин ҳам самарали давом этишига астойдил умид боғлаймиз.*

**Фарҳод РАҲМАТОВ,**
**"Gulobod Mebel" МЧЖ раҳбари:**

*— Ички ва ташқи бозор талабидан келиб чиқиб, рақобатбардош мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишимизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай муҳит яратиб берилгани, соҳага кўплаб имтиёзлар татбиқ қилинаётгани муҳим омил бўлди. Хусусан, бизнес лойиҳаларимизни муваффақиятли амалга оширишда «Асака» банк молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда.*

*Бозор иқтисодиёти шароитида истеъмолчиларнинг талаби ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ушбу омилни ҳисобга олиб, корхонамизда харидорларнинг истаклари асосида янги турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга қарор қилдик. Янги лойиҳани амалга ошириш ниятида «Асака» банкка кредит олиш учун мурожаат қилгандик. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит ажратилди. Натижада маҳаллий хомашё асосида қўшимча 12 турдаги сифатли, арзон ва замонавий мебель жиҳозлари ишлаб чиқарила бошланди. Энг асосийси, 5 та янги иш ўрни яратилиб, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бандлиги таъминланди. Молиявий ҳамкоримиз бўлган «Асака» банкнинг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Ишонамизки, унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириб, мебелсозлик саноати ривожига муносиб ҳисса қўшиш, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёби йўлида хизмат қилади.*

**Алишер УМИЕВ,**
**"DAVR FOTO" МЧЖ раҳбари:**

*— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини тижорат банкларининг молиявий кўмагисиз тасаввур этиб бўлмайди. Хусусан, улар томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг истиқболли лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ички бозорни рақобатбардош ва харидоргир маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилаётир. Бунда Юртбошимиз раҳнамолигида банк тизимининг чуқур ислоҳ қилинаётгани, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий этилаётгани қўл келмоқда. Хусусан, тизимни эркинлаштириш, молия муассасаларининг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган изчил чора-тадбирлар туфайли уларнинг иқтисодиётимиз равнақига қўшаётган ҳиссаси тобора ортиб бораяпти. Биз ҳам ана шундай имконият ва имтиёзлардан самарали фойдаланиб, ўз фаолиятимизни кенгайтириб бораяпмиз. Самарқанд шаҳрида жойлашган бизнинг МЧЖ айни пайтда аҳолига сифатли ва тезкор хизматлар кўрсатмоқда. «Асака» банк бу борада яқин ҳамкоримиздир. 2013 йилдан буён мазкур молия муассасаси кўмагидан фойдаланиб келаяпмиз. «Асака» банк кредити ҳисобига янги турдаги ускуна харид қилдик. Бинобарин, фаолиятимиз кенгайиши ҳисобига ҳамшаҳарларимиздан уч нафарини иш билан таъминладик. Бир сўз билан айтганда, «Асака» банкнинг ҳар томонлама мадади корхонамиз фаолиятига муҳим кўмак бўлмоқда. Бундан кейин хам «Асака» банк ҳамкорлиги ва кўмагида хайрли ва эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшамиз, деган ниятдамиз.*

**Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА,**
"Adolat" мухбири

Xizmatlar litsenziyalangan

**Миллий армиямиз — мамлакатимиз таянчи, салоҳияти ва ғурури. Ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, унинг тинчлигини, осойишталигини кўз қорачиғидек асрашда ҳар биримиз масъул бўлмоғимиз лозим.**

# МЕНИНГ армиям — ғururим!



"Адолат" СДП Самарқанд вилоят кенгаши 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда худди шу мавзуда мазмунли тадбирлар ўтказиб, миллий армиямизнинг шарафли бурчи, мақсадларини кенг тарғиб этишга ҳаракат қилмоқда. Вилоят партия кенгашининг Самарқанд темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида ўтказган навбатдаги учрашуви ҳам ўқувчи-ёшларда Қуролли Кучларимизга нисбатан ҳурмат, ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур коллеж республикамиздаги худди шу йўналишда фаолият юритаётган намунали ўқув масканларидан ҳисобланади. Бу ерда 1200 нафар ўқувчи темир йўл транспорти соҳасига хизмат кўрсатадиган 8 та йўналиш бўйича билим ва ҳунар ўрганишмоқда.

Аҳамиятлиси шундаки, коллежда касб-ҳунар ўрганиш билан бирга маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тарбиявий ишлар ҳам талаб даражасида йўлга қўйилган. Коллеж директори, "Адолат" СДП аъзоси, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Шароф Рашидов партиянинг ёшлар билан амалий мулоқоти долзарб мавзуга қаратилганини таъкидлаб, бу борадаги ҳамкорлик тарбиявий, маърифий ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтараётганлигини эътироф этди. Тарих фани ўқитувчиси Баҳодир Назаров эса миллий армиямиз ташкил топиши ва мустаҳкамланишида мудофаа тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳамияти хусусида сўз юритди. Партия фаоллари ўқувчи-ёшларнинг саволларига жавоб қайтаришди.

Вилоят партия кенгашининг бундай учрашув, мулоқотлари Самарқанд шаҳридаги ва туманлардаги қатор меҳнат жамоаларида, олий ўқув юртлари ва маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтмоқда.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
"Adolat" мухбири

Reklama o'rnida

ALOQABANK

# Барқарорлик сари дадил қадам

**Мамлакатимиз банклари иқтисодий ислоҳотлар жараёнига сезиларли улуш қўшиш, хусусан, соҳалар инфратузилмаси ҳамда базавий тармоқларни ривожлантиришда фаол қатнашмоқда. Жумладан, Акциядорлик-тижорат "Алоқабанк" ҳам мижозларнинг талабларига тўлиқ жавоб бериш мақсадида ўтган давр тажрибаси ва бугунги куннинг инновацион ечимларини бирлаштирган ҳолда изчил фаолият юритмоқда. Бунда муассаса шаффофлик, профессионаллик, ўзаро ишонч ва новаторлик каби мезонларга таяниб, юқори самарадорликка эришмоқда.**

Айни пайтда "Алоқабанк"нинг республикамиз ҳудудлари бўйлаб 14 та филиали, 23 та мини-банки ҳамда 150 га яқин хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд бўлиб, улар орқали қарийб 334 мингга яқин мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатилмоқда. Улар орасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар муносиб ўрин эгаллайди. Бу бежиз эмас, албатта. Банк ишбилармонларга бизнес талабларига жавоб берувчи кенг қамровли хизматларни тақдим этиб, ҳамжиҳатликка асосланган ўзаро муносабатларни йўлга қўйган.

— Тиббиётда энг кўп тарқаладиган касаллик тиш кариеслари бўлгани боис стоматология ушбу йўналишда энг оммалашган хизматлар сирасидан ўрин олган, — дейди "Ўлмас дентас сервис" МЧЖ раҳбари Ўлмас Зарипов. — Жумладан, юртимизда ҳам аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида кўплаб стоматологик клиникалар фаолияти йўлга қўйилган. Бунга, аввало, ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, қолаверса, банкларнинг беминнат молиявий мадади туфайли эришилмоқда. Клиникамиз 17 йилдан буён пойтахтимиз аҳолисига ана шундай хизмат кўрсатади. 2015 йилда фаолиятимизни кенгайтириш, тиббий ускуна ва жиҳозларимизни янгилаш мақсадида "Алоқабанк"нинг Амалиёт бошқармасидан 600 миллион сўмлик кредит олдик. Бунёдкорлик ва модернизациялаш ишларидан сўнг клиникамиз нуфузи янада ортди. Ҳозирда 20 нафарга яқин юқори малакали тиббиёт ходимларимиз томонидан аҳолига ҳар ойда 30 миллион сўмлик стоматологик хизматлар кўрсатилмоқда.

Дарҳақиқат, "Алоқабанк"нинг Амалиёт бошқармаси Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги барча турдаги тадбиркорлик субъектларини кенг кўламда молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, ушбу тузилма томонидан 2015 йил мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга 164 405,6 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилиб, 5 775,0 миллион сўмлик микрокредит хизматлари кўрсатилди. Шундан 5 647,4 миллион сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига, 3 468,0 миллион сўми аёллар тадбиркорлигига, 37 929,0 миллион сўми маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, 456,5 миллион сўми оилавий



тадбиркорликка ҳамда 1 038,3 миллион сўми ёш оилалар ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорликка доир лойиҳаларини молиялаштиришга жалб қилинди.

— Юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга, бунда уларнинг ҳуқуқий эркинлиги ва молиявий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган самарали механизм йўлга қўйилган, — дейди "Elegant gold mebel" МЧЖ раҳбари Дилфуза Юлдашева. — Жумладан, биз ҳам ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, "Алоқабанк"дан икки марта кредит олдик. Ҳозирда мебель ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамиз барча замонавий технологик ускуналар билан тўла жиҳозланган, хомашё базамиз ҳам етарли даражада. Бир сўз билан айтганда, банк кредити ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва айланма маблағларни шакллантиришда корхонамиз пойдеворини мустаҳкамлашга замин яратди. Биргина 2015 йилда 200 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқардик. Келгусида банкдан олган қарзимизни қайтаргач, даромадларимиз ҳисобига улар ассортиментини янада бойитишни режалаштирганмиз.

Шунингдек, "Алоқабанк" замонавий молия бозоридаги тенденциялардан келиб чиқиб, қолаверса, доимий мижозлари талабини инобатга олган ҳолда ўз чакана хизматларини ҳам ривожлантириб бормоқда. Ушбу изланишлар банкка потенциал мижозлар қизиқишини орттириб, уларнинг базасини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Чунончи, аҳолининг турли қатламини ҳисобга олиб, жорий этилаётган омонатлар жозибадорлиги улар сонини 2015 йилда ўтган даврга нисбатан 108 фоизга оширишга туртки бўлди.

Ҳисобот даврида банк пластик карталаридан фойдаланаётганлар эса, 50 895 тага кўпайиб, 258 906 тани ташкил этди. Муассасада халқаро VISA пластик карталарининг ўсиш суръати 155 фоиздан ошди.

Яқинда «Алоқабанк» тобора тараққий этаётган рақамли технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда жисмоний шахслар эътиборига яна бир инновацион хизматни тақдим этди. P2P номли ушбу хизмат мижозларга Uzcard мобиль иловаси ҳамда веб-интерфейс орқали бир пластик картадаги маблағларини бошқасига ўтказиш имконини беради. Бундай хизмат айни пайтда фақатгина мазкур банк мижозлари учун амал қилаётгани аҳамиятга моликдир. Ундан фойдаланиш учун мижоз my.uzcard.uz электрон манзилида ўтказма шаклини тўлдириши, хусусан, қабул қилувчи картанинг ҳисоб рақами ҳамда кўчирилаётган сумма миқдори тўғрисидаги маълумотни қайд этиши лозим. Хизмат нархи ҳар бир ўтказма учун 2 фоиз миқдорида белгиланган. Бунда пул ўтказмалари миқдори чекланган, яъни бир мижоз томонидан ўтказилаётган маблағ бир ой давомида 1 миллион сўмдан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда АТ "Алоқабанк" ўз фаолиятидаги ютуқлар билан кифояланмасдан, амалга ошираётган ишларини холис ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, барқарорлик сари ўз изланишларини давом эттирмоқда. Бунда доимгидек муассасанинг устувор вазифалари ўз молиявий имкониятини ошириб, уни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жабҳаларини ривожлантиришга сафарбар этиш бўлиб қолаверади.

**Банк матбуот хизмати**

Xizmatlar litsenziyalangan

**МУАССИС:**
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Рашид МАТКУРБАНОВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Алишер ШОДМОНОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144);
Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146);
Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс;
Реклама бўлими — *233-41-89.*
**Навбатчи муҳаррир** — Илёс Сахатов
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган.
Буюртма Г — 100. Адади — 11723
Босишга топшириш вақти — 20.30
Босишга топширилди — 22.00
*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
ISSN 2091-5217
1 2 3 5 6